Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 7 февраль 1973 йил, чоршанба ◆ № 32 (15.506). ◆ Баҳоси 2 тийин.

*

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЯВЕРСИН.

*

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ.

*

КОРХОНАЛАР ҚУВВАТИ ОШМОҚДА.

БЕШ ЙИЛЛИККА ЗАРБДОР СУРЪАТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИДАН

АВИАТОРЛАР — ЧОРВАДОРЛАРГА

ТЕРМИЗ, 5 февраль. (ЎзТАГ). Боботоғдаги чанг дараси тинчлигини мотор шовқуни бузди. Тез орада омбор ёнига вертолёт қўнди. Вертолёт Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг бу ерда жойлашган фермасига озуқа келтирди. Тоғ дарасига учиб келган «МИ-4» вертолёти граждан авиациясининг Тожикистон бошқармасига қарашлидир. Қардош республика авиаторлари қиш мавсумида Узбекистоннинг жанубий районларидаги чорвадорларга катта ёрдам бермоқдалар. Улар кўп қор ёққанлиги сабабли автомашиналар келаолмайдиган олис яйловларга, моллар қишлайдиган жойларга вертолётларда бир неча ўн минг тонна концентрат озуқа ташиб келтирдилар.

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИ КУН ТАРТИБИДА

Бухоро область партия комитети бюросининг мусобақадош Самарқанд области вакиллари ўзаро текшириш бригадасининг иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг беш йилликкнинг ҳал қилувчи учинчи йилида зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди, чорва қишловини ўтказиш, хўжаликларнинг кўкламги экишга тайёргарлиги масалалари кўриб чиқилди.

Мусобақадош дўстларнинг қимматли маслаҳатлари область қишлоқ хўжалигидаги ишларни яхшилаш борасида белгиланган тадбирларга асос қилиб олинди. (ЎзТАГ).

ЯНГИ НОН ЗАВОДЛАРИ

Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози поселкасида қурилган механизациялаштирилган нон заводи нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Корхона маблағлари кооперацияси маблағлари ҳисобида қурилган бўлиб, бир кеча-ю кундузда 30 тонна нон ёпишга мўлжалланган.

Самарқанд областининг Тойлоқ поселкасида, Чуст районида, Бухоро областининг Галаосиё районида қурилган янги механизациялаштирилган нон заводлари ишлаб турган корхоналар қаторига қўшилди.

Нон ёпадиган қишлоқ корхоналарининг шоҳобчалари бу йил яна ўн битта завод билан тўлдирилади. Қашқадарё областининг Косон районида, Янгийўл районининг Олмазор поселкасида ва бошқа жойларда ҳозир нон заводлари қурилмоқда. Қишлоқларда обинон ёпадиган кўплаб новвойхоналар қурилмоқда. Қурилаётган корхоналар қишлоқларнинг аҳолисини ёғ, пирожний, ширин қулчалар билан ҳам таъминлайди. (ЎзТАГ).

Андижон ирригация машинасозлик заводи ҳар йили ирригация ишлари учун кўплаб машина ва механизмлар ишлаб чиқаради. Завод маҳсулотларини Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқ хўжалигининг турли участкаларида учратиш мумкин. Суратда: завод тайёр маҳсулотларининг умумий кўриниши.

Д. Рўзметов фотоси.

КАДРЛАРГА ЮКСАК БИЛИМЛАР

Қишлоқ хўжалиги раҳбар ходимлари малакасини ошириш ойлик республика курсларидаги машғулотлар тугади. Колхоз раислари, совхозларнинг директорлари, район ижроия комитетлари қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқларидан икки юздан кўпроқ киши агротехника, уруғчилик, механизация, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш экономикаси ва уни ташкил этиш ва бошқа кўпгина масалаларга бағишланган лекциялар циклини тинглади. Уларга таниқли олимлар, мутахассислар, совет ходимлари лекция ўқидилар.

Курсларнинг тингловчилари Тошкент областининг илғор хўжаликлари иш тажрибаси билан танишдилар, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг устахоналарига бориб, хўжаликларга техникавий хизмат қилишни яхши йўлга қўйиш соҳасидаги ишларни қўздан кечирдилар, бир қанча илмий-тадқиқот институтларида бўлдилар, пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаб турган олимлар билан учрашдилар.

6 февраль куни курсларнинг тингловчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида республика қишлоқ хўжалиги олдида турган вазифаларни гапириб берди. (ЎзТАГ).

ВЕНГРИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Венгрия Халқ Республикаси партия, давлат ва касаба союз раҳбар ходимлари делегацияси Тошкентга келди. Делегацияга Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Умумвенгрия касаба союзлари советининг секретари Немешлаки Тивадар бошчилик қилмоқда.

6 февралда меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди. Дўстона суҳбат чоғида у республика партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида, беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида Ўзбекистон меҳнаткашлари амалга ошираётган вазифалар ҳақида сўзлаб берди.

Шу куни венгриялик ўртоқлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини томоша қилдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси С. К. Зиёдуллаев билан учрашиб, суҳбатлашдилар.

Венгрия партия, давлат ва касаба союз раҳбар ходимлари делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлади. (ЎзТАГ).

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ УЧИНЧИ ҚИШКИ СПАРТАКИАДАСИ

1973-1974 йилларда СССР халқларининг учинчи қишки спартакиадаси ўтказилади. Совет физкультура ҳаракати ҳамма бўғинларининг ишининг мана шу кенг миқёсдаги кўригини тўрт босқичда ўтказиш мўлжалланмоқда.

Спартакиада корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ўқув юртлари коллективларида, ҳарбий бўлинмаларда спортнинг қишки турларидан оммавий мусобақалар ўтказиш билан бошланади. СССР халқлари учинчи қишки спартакиадасининг биринчи босқичи бутун 1973 йилни ва 1974 йилнинг бошларини ўз ичига олади. Иккинчи босқичда районлар, шаҳарлар, областлар ва ўлкаларнинг спартакиадалари бўлади. Учинчи босқичда иттифоқдош республикалар спартакиадаларининг ва Россия Федерацияси территориал спартакиадаларининг голиблари аниқланади. Якунловчи қисм — финал мусобақалар келгуси йил мартида Свердловскда ва Грузия ССРнинг Бакуриани поселкасида ўтади.

Спартакиада давомида мамлакатимизда чанғи, конькида югуриш спортини, хоккей, фигуралий учишни янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг қишки дам олишини яхшироқ ташкил этиш тадбирлари кўрилади.

СССР халқларининг учинчи қишки спартакиадасини ўтказиш физкультура ва спортни совет кишиларининг кундалик турмушига янада сингдириш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Бу тадбир халқаро спорт мусобақаларида қатнашадиган совет спортчилари учун яхши мактаб ҳам бўлади.

СССР халқлари учинчи қишки спартакиадаси программасига мувофиқ корхоналарда, қурилишларда, колхозларда, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида ўтказиладиган мусобақалар, шунингдек район, шаҳар спартакиадалари мусобақа қатнашчиларини ишлаб чиқариш фаолиятидан ва ўқишдан ажралмаган ҳолда ташкил этилади.

Миллион-миллион совет кишиларини спортнинг қишки турлари билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш; уларни «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр» физкультура комплексн нормативларини топширишга тайёрлаш, спортчиларнинг маҳоратини янада баланд кўтариш — СССР халқлари бўлажак учинчи қишки спартакиадасининг асосий вазифаларидир.

ТЕХНИКА РЕМОНТИ КЕЧИКЯПТИ

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Пахтаобод районида аҳвол ташвишли, ремонт ишлари суст. Ҳайдов тракторларини ремонт қилиш графиги 79 процент бажарилди. 83 та чопиқ тракторига ҳали кўл урилгани йўқ. Плуглар, ер текислаш агрегатлари, сеялкалар, бороналар, чизеллар, универсал юклагичлар ва пуркагич аппаратларни баҳорги экин экиш мавсумига тайёрлаш ишлари кунгилдагидек эмас. Районда техника ремонтининг бунчалик судралишига сабаб нима?

Кўп хўжаликларда, устахоналарда ремонтчиларнинг умумий ишлашлари учун қулай шароит яратилмаган. Улар совуқ жойда ишлашади, кун илмагунча ишга кўл уриб бўлмайди. Иш кеч бошланиб, эрта тугалланади. Ремонтчилар овқатланадиган жой ҳам ишитилмайди.

«Москва» колхозида аҳвол айниқса ачинарли. Бу ерда ҳайдов ва чопиқ тракторларининг энди 72 проценти, плугларнинг 63 проценти, чигит экадиган сеялкаларнинг 42 проценти, пуркагичларнинг 50 проценти, бороналарнинг 75 проценти ремонтдан чиқди. Тайёр дейилган тракторлар текшириб кўрилганда уларнинг ҳар бирида 2-3 тадан жиддий нуқсони борлиги аниқланди. Масалан, Оҳунжон Усмонов ремонт қилган тракторга ҳаво тозалагич касета қўйилмаган. Инженер Пўлат Холбоевнинг айтишича, ҳамма тракторларнинг касетаси йўқ. Ғафур Солиев минадиган трактор ҳам сифатсиз ремонт қилинган, кўп қисмлари тозаланмаган. Рул бошқармаси яхши созланмаган, втулкаси алмаштирилмаган. Мавжуд техниканинг ҳаммаси қор остида. Колхознинг трактор парки қаровсиз, айвонлар нобоп, уларнинг тагида ишлаш ҳавфли.

«Гулистон», «Пахтаобод» колхозларида ҳам ремонт ишлари суст бораяпти. Бу хўжаликларда тракторлар, культиваторлар, сеялкалар ва бороналарнинг кўпи мавсумга тахт эмас.

— Биз бу йил чигитни 50Х60 схемасида экишга қарор қилганмиз, — дейди «Гулистон» колхозининг бош инженери Абдулҳаким Абдумўминов, — 18 та сеялкани ана шунга мослаштиришимиз керак. Бунинг учун 50 комплект сим зарур. Икки ойдирки, «Узсельхозтехника» район бирлашмасига югурамиз. Лекин бундай сим топилмаяпти. Сеялкаларга 8 комплект 31 тишли юлдузча керак. Ана шу нарсалар топилмаса ремонт ишлари тўхтаб тураверади.

«Коммунизм», «Андижон», Еқубов номли, «Правда», Ленин номли колхозларда ҳам ремонтчилар учун яхши шароит яратилмагани сабабли мавжуд техникани баҳорги экин экиш мавсумига тайёрлаш ишлари чўзилиб кетмоқда.

Ҳамма жойда асосий ишлар техника воситасида бажарилади. Уларни сотиб олиш учун миллион-миллион сўм сарф қилинган. Лекин техникани сақлаш ҳақида кам бош қотирилмоқда. Техника бир-икки йилгина эмас, узоқ йиллар хизмат қилиши керак. Шундай экан, ҳар бир хўжаликда намунали трактор парки барпо этиш, ремонтчилар учун алоҳида иссиқ бинолар ажратиш вақти келди. Хўжаобод районидаги Димитров номли, Андижон районидаги Навоий номли колхозларда барча машина ва тракторлар айвонлар остида сақланади. Пахтаободликлар ҳам шундай қилишлари зарур.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ РЕЙДИ

БУНГА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилиши кишиларнинг ижодий меҳнати, механизмлардан, техника ва ускуналар қувватидан тўла унум билан фойдаланиш, тежамкорлик ва иқтисод қилишни намунали тўғри йўлга қўйишга боғлиқдир. Қўшма рейд аъзолари Наманган областидаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларда бу соҳада анчагина ибратли ишлар қилинаётганини зўр қониқиш билан қайд этдилар. Изоль заводида ишлаб чиқариш қувватларидан юқори унум билан фойдаланилмоқда. Техника ва механизмларни сақлаш яхши йўлга қўйилган. «Поп» совхозида барча қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилиш ва сақлаш учун трактор гаражларига тўла тортилган. Механизмлар шийпонлар остида, қуруқ ўринларда сақланмоқда.

Ўтказилган текширишда ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани аниқланди. Уйчи районидаги «Қизил-равот» тажриба-намуна хўжалиги раҳбарлари берган маълумотда техника ва механизмлардан тўла фойдаланилиётгани айтилган эди. Амалда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Трактор гаражи айвонида турли ускуналар аралаштириб уйиб ташланган. Унинг қайси бири янги-ю, қай бири эски эканлигини хўжалик директорининг ўринбосари Ш. Оқсоқов ҳам айтиб беролмади. Айвон томига қоқилган шифер синиб, тўқизта катта ва кичик электр моторлари ва бир дона трансформатор ёмғир остида қолиб занглаб кетибди.

Шу хўжаликка қарашли пахта заводида темир-терсак ва ташландиқ буюмлар орасида турли хил ускуналар сақланяпти. Унинг қандай машина эканлиги ва қандай мақсадда келтирилганини ҳеч ким билмайди. Узоқ суриштиришдан сўнг корхонанинг катта механиги Х. Ҳожимирзаев «Бу ҳар ҳолда пахта тозалайдиган машина бўлса керагов», деб қўйди.

Чиндан ҳам «БА-12-М-1» маркали қимматбаҳо бу механизм заводга икки йил аввал келтирилган экан. Вақт ўтгач, машина корхона раҳбарларининг ёдидан чиқиб кетибди. Шу ерга ташлаб қўйилган «ТОТ-10» маркали 18 метрли транспортер ва «ПД» маркали тола ажратувчи станок ҳам икки-уч йилдан бери занг босиб ётибди. Бу уч ускунанинг умумий қиммати 3498 сўмни ташкил этади.

Уйчи районидаги шойи тўқиш фабрикасида ўрнатилмаган ускуналарни рўйхатга олиш вақтида умумий қиммати 129 минг сўмлик 38 номдаги 113 та машина ва механизмлар маълумотга киритилмаган. «Узсельхозтехника» Уйчи район бирлашмаси омборхоналарида ювиш машинаси, пахта териш машиналарининг шпиндел барабанларини ажратиш ва йиғиштириш мосламаси, шпинделларни ювиш ва тозалаш механизмлари бир неча йилдан бери занг босиб ётибди. «Учқўрғон» совхозида бир неча юз метр кабель ва симлар, анча ленолум ва иккита мотор рўйхатга киритилмаган. Чуст районидаги Худойбердиев номли совхозга 1971 йилда электр токи билан ишловчи юк крани келтирилган эди. Бу кран ҳамон ўрнатилмай, складда сақланмоқда. 2-ремонт қурилиш бошқармасида 1970 йилда келтирилган «С-742» маркали бетонқоргич ва 1971 йилда олинган «СФ-4» маркали станокдан ҳам сира фойдаланилган эмас. 4251 сўмлик «ХМ-ФУ-40-1» маркали ҳамда 464 сўмлик ёғлаш-мойлаш ускунаси пичоқсозлик заводида 1970 йилдан бери ишлатилмаётир.

«Совет Ўзбекистони» газетаси ва республика халқ контроли комитети қўшма рейди аъзолари, область халқ контроли комитети ва халқ контроли группалари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишларда техника ва механизмлардан фойдаланиш ҳамда ускуналарни сақлашда рўй бераётган камчиликлар муҳокама қилинди, хато ва нуқсонларни тезда тугатиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

А. ХУЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг инспектори,
Т. УСМОНОВ,
Наманган область халқ контроли комитетининг инспектори,
С. СУЛТОНОВ,
В. ШАРОНОВА,
А. АБДУВАЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбирлари,
О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАЛҚ МУЛКИ МУҚАДДАС

Техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш ҳар бир корхона ёки хўжалик фаолиятининг энг муҳим томонларидан биоп ҳисобланади. Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ана шу омилларга боғлиқдир. «Совет Ўзбекистони» газета редакциясининг республика халқ контроли комитети билан ҳамкорликда Фарғона области бўйлаб ўтказган рейдида бу масала атрофлича ўрганиб чиқилди. Маълум бўлдики, область корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар бу ишларни умуман муваффақиятли олиб бораётган бўлсалар ҳам, кўпгина жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Областда янги йил олдидан материал ва ускуналарни рўйхатга олиш ўтказилган эди. Ана шунда ташкилотлардан 28 тасида материалларни рўйхатга олиш қоидалари қўпол равишда бузилган. Баъзи корхона ва муассасаларда бир қисм хом ашё ва материаллар умуман ҳисобга олинмаган. Жумладан, Фарғона мебель фабрикасида (директори Ўртоқ Қосимов) 131 куб метр ёғоч, 29 тонна смола, 4 тонна бўёқ рўйхатга қўшилмаган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Главупрснаб»нинг Фарғона базасида (директори Ўртоқ Алиев) 558 куб метр ёғоч материаллари, 12,6 куб метр фанер, салкам 2 минг дона темир йўл шпали тўғридан-тўғри яшириб қолинган. Риштонда қурилаётган бадиий сопол маҳсулотлари заводи маъмуриятининг бу соҳада тутган иши ҳам юқоридагиларникидан қолишмайди. 117,2 минг сўмлик технологик ускуналарни рўйхатдан ўтказиш завод раҳбарларининг «ёдидан чиқиб» қолибди.

Республика Совхозлар министрлиги ва Ўзбекистон Қишлоқ қурилиши министрлиги ташкилотларида ҳам аҳвол ачинарлидир. 9-қурилиш трести раҳбарлари ўтган йили ҳам бу масалада гап эшитган эдилар. Шунга қарамай, янги йил олдидан буюм ва материалларни ҳисобга олишга эътиборсизлик билан муносабатда бўлганлар. Бу ҳақда тайёрланган маълумотлар бухгалтериядаги маълумотларга тўғри келмайди. Текшириш ўтказилган 8 совхознинг 6 тасида эса бу ишни амалга ошириш учун умуман комиссиялар тузилмаганлиги маълум бўлди.

Кўриниб турибдики, областда халқ ва давлат мулкига бефарқ қараш ҳоллари учраб турибди. Бу, аввало баъзи ташкилот раҳбарларининг фаолиятсизлиги ва ишга совуқонлик билан муносабатда бўлаётганликлари, давлат мулки ишониб топширилиб қўйилган айрим шахсларнинг масъулиятсизлиги туфайли рўй бермоқда. Область партия, совет ташкилотлари бу хато ва камчиликларнинг тамомила барҳам топишига эришиш учун текшириш якуни бўйича таъсирчан чора-тадбирлар белгилаши ва унинг амалга оширилишини изчил назорат қилиб туриши керак.

Х. ХАЙРУЛЛИН — Республика халқ контроли комитети инспектори, И. ВЕЛКИН — Фарғона область халқ контроли комитетининг инспектори, О. ҲАКИМОВ, — «Совет Ўзбекистони» мухбири.



Советлар мамлакатида

Таллиндаги «Марат» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси Эстониядаги энг йирик енгил саноат корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг маҳсулотларидан саккиз хили давлат сифат белгисини олишга сазовор бўлган. Суратда: (чапдан биринчи) корхонанинг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Урсула Хинтс. Украинадаги кўпчилик колхоз ва совхозлар қиш фаслида ерларни озиқлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Суратда: Винница областидаги Чкалов номли колхоз далаларига органик ўғитлар чиқарилаётган лайт (чапдан иккинчи). Амур областидаги Зейск гидроэлектростанцияси Узоқ Шарқдаги энг йирик иншоотларидан бири бўлади. Электр станциясининг дастлабки агрегатлари шу беш йилликда қувват бера бошлайди. Суратда: (чапдан учинчи) Зейск ГЭСининг тундаги манзараси. Краснодар ўлкасидаги «Красноармейск» совхози дам олиш уйида асосан чорвадорлар хордиқ чиқарадилар. Ўлкаининг ҳушманзара жойида барпо этилган бу дам олиш уйи ўрмон қўлидан унча узоқ эмас. Суратда: (чапдан тўртинчи) дам олиш уйининг кўриниши.

(ТАСС фотохроникаси).

ҒОЯВИЙ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ ВОҚЕА

(К. МАРКСНИНГ «КАПИТАЛ» НОМЛИ АСАРИ I, II, III ТОМЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ ТУГАЛЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

✦ ✦

Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти пролетариатнинг улуғ доҳийси, янги илмий дунёқарашнинг асосчиси Карл Маркснинг «Капитал» номли асарининг уч томини ўзбек тилига таржима қилишни ниҳоясига етказиб, китобхонлар оммасига тақдим этди. Бу республикамиз меҳнаткашлари илмий ва ғоявий ҳаётида муҳим воқеадир.

Марксизм-ленинизм асосчиларининг катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда нашр этиш ниҳоятда мураккаб, масъулиятли ва шу билан бирга шарафли вазифадир. «Капитал»ни таржима қилиш ва таҳрир этишда Р. Абдураҳмонов, А. Аюпов, З. Аминов, Ж. Азизхонов, Ж. Бойбулатов, Б. Боҳидов, Л. Муродов, З. Ёқубов, Ш. Толипов, Т. Алимов, Р. Шоқиров, Р. Сахибоев, Ҳ. Собиров, Э. Мавлоний ва бошқа ўртоқлар фаол иштирок этдилар. К. Марксниг энг асосий асари бўлмиш «Капитал» марксча диалектик метод, материалистик назарияни, ижтимоий ҳаётни ўрганишга амалий татбиқ этиш намунаси, капиталистик жамиятнинг иқтисодий, сиёсий моҳиятини, тарихий тараққиётини материалистик тушуниш ва илмий умумлаштириш ифодасидир. Бу асар Карл Марксниг бутун умри давомида ёзилди.

К. Маркс жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг характерини, социал-сиёсий моҳиятини ўрганишга ҳамма вақт катта эътибор бериб келган эди. У, 1840 йиллардаёқ иқтисодий проблемаларни анализ қилиш билан боғлиқ бўлган бир неча асарларни яратди. Бу асарларда буржуа сиёсий иқтисодининг асосчилари бўлмиш Адам Смит ва Давид Рикардонинг таълимотини ўрганишга катта эътибор берди. Бу изланишлар умуман иқтисодий таълимотлар тараққиётини синчиклаб ўрганиш, шу асосда буржуа жамиятининг иқтисодий структурасини тушунишда, шубҳасиз, катта ўрин олди. Буржуа сиёсий иқтисодининг асосчилари ўз асарларида капитализмнинг иқтисодий анатомиясини очиб берган бўлсаларда, лекин капитализмни ижтимоий тараққиётнинг энг юқори чўққиси деб тушунганликлари учун ўз кашфиётларидан чуқур илмий революцион хулосалар чиқаришдан ниҳоятда узоқ эдилар. К. Маркс жамиятнинг иқтисодий муносабатларини ўрганишга диалектик ва тарихий материализм дунёқараши асосида ёндошди. Шунинг натижасидагина сиёсий иқтисод муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган фан даражасига кўтарилди.

Иқтисодий муносабатларни мукаммал ва чуқур ўрганишга К. Маркс 1850 йилдан астойдил киришди. У Лондонда яшаган даврида капитализмнинг иқтисодий структурасини кенг кўламда ёритишни ўз илмий тадқиқоти ва фаолиятининг асосий вазифаси қилиб қўйди.

К. Марксниг иқтисодий қарашлари ва сўнгги «Капитал»га асос бўлган кўпгина назарий ғоялари «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарида ва «Иш ҳақи, баҳо ва фойда» номли докладда ишлаб чиқариш воситаларига мулк формаси, ишлаб чиқариш, муомала ва тақсимот, улар ўртасидаги боғлиқлик, меҳнат характери, фойда, процент ва рента ҳамда иш ҳақи ишчи томонидан вужудга келтирилган қийматнинг қисмлари эканлиги каби иқтисодий категориялар ҳақида тушунчалар берилган.

«Капитал»нинг ёзилишида К. Марксниг энг яқин сафдоши ва дўсти Ф. Энгельснинг ёрдами ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Ф. Энгельс доим зарур иқтисодий ёрдам кўрсатди ҳамда кўпгина назарий масалаларни ёритиш, капиталистик иқтисодий муносабатларнинг характерини кўрсатиб берувчи факт ва материалларни тўплаш, ўрганиш ва умумлаштиришда бевосита кўмаклашди. Бундан ташқари, Ф. Энгельснинг капитализмдаги иқтисодий, сиёсий муносабатлар ва ишчилар синфининг аҳволига оид бир қанча асарлари ҳам бу буюк асарнинг майдонга келишида назарий замин лардан бири бўлди.

К. Маркс «Капитал»нинг биринчи томини 1867 йилда нашр этиш имконига эга бўлди. Иккинчи ва учинчи томларнинг асосий ғоялари ёзиб тугалланган бўлсада, уларни нашр этиш Марксга насиб бўлмади. «Капитал»нинг сўнгги томларини Маркс вафотидан сўнг Ф. Энгельс 1885 ва 1894 йилларда тугаллаб, нашр эттирди. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «Капитал»нинг 2-3 томларини К. Маркс ва Ф. Энгельс асарлари дейиш мумкин.

«Капитал»нинг уч томи бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган яхлит асардир. Ҳар бир томда ёритилган масалалар капиталистик ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган томонларини илмий асосда очиб берган. Биринчи том капитал ишлаб чиқаришга, иккинчи том капитал айланиши процессини ўрганишга бағишланган бўлса, учинчи томда капиталистик ишлаб чиқариш процесси бир бутун, яхлит ҳолатда анализ қилинган.

К. Маркс «Капитал»ни тўртинчи китоб билан якунлашни мақсад қилиб қўйган эди. Бу китобда умуман иқтисодий таълимотларнинг тарихи ёритилиши лозим эди. «Капитал»нинг тўртинчи томи К. Марксниг ижодий лабораториясини, яъни унинг буржуа экономистлари билан мунозарасини, уларнинг фикрларини танқидий ўрганиш йўли билан ўзининг назарияларини ишлаб чиққанлигини кўрсатади. Маркс томонидан «Қўшимча қиймат назарияси» деб номланган бу қўлёзма мустақил китоб сифатида К. Маркс ва Ф. Энгельс вафотидан кейнигина нашр этилди.

«Капитал»нинг барча қисмларига оид бўлган нодир қўл ёзмаларнинг айримлари биринчи мартаба Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейнигина нашр этилди.

К. Маркс «Капитал»да кўплаб фактик материаллар асосида капиталистик ишлаб чиқариш усулининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳалокатга учраши муқаррарлиги қонуниятларини кўрсатиб берди. К. Маркс капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятини товарни анализ қилишдан бошлайди. Чунки капиталистик ишлаб чиқариш усули ҳукмронлик қилган жамият бойлиги кўплаб товарлар йиғиндисидан иборат бўлиб, товар эса бу бойликнинг элементини ташкил қилади. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши капитализмни вужудга келтиради.

«Капитал»да К. Маркс ўз олдига қўйган асосий мақсадлардан бири меҳнат билан капитал ўртасидаги муносабатларни ёритишдир. Бу масалани ҳал қилиш фақат иқтисодий муносабатларни ўрганиш билан чекланмай, кенг қўламдаги ижтимоий ва сиёсий проблемаларни ёритишга ҳам қаратилгандир. Бинобарин, оддий товар алмашиш фактлари орқали меҳнат билан капитал ўртасидаги муносабатларни ўрганишга, улар асосида капитализмнинг бутун ички ривожланиш қонунларини очишга, шу қонунлар орқали бу ижтимоий-иқтисодий тузум муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум этилганлигини кўрсатиш асарнинг асосий ғоясидир.

К. Маркс меҳнат билан капитал ўртасидаги муносабатларни ёрита бориб, ишлаб чиқариш процессидаги доимий ўзгарувчи капиталларнинг ҳар хил аҳамият кашф этишини, олинадиган қўшимча қийматнинг асосий манбаи ўзгарувчи капитал эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб, иқтисод фанида революцион ўзгариш ясаган муҳим кашфиёт яратди. Бу кашфиёт — қўшимча қиймат ишлаб чиқариш қонунидир. К. Маркс қўшимча қиймат қонуни капитализмга хос бўлган муносабатларнинг ифодаси эканлигини кўрсатди. «Қўшимча қиймат» ёки фойда орттириш, деб ёзган эди К. Маркс, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг абсолют қонунидир». Бу қонунинг моҳияти ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техникани ривожлантириш ва ёлланма меҳнатни тобора кўпроқ эксплуатация қилиш йўли билан капиталистлар учун мумкин қадар кўпроқ қўшимча қиймат массасини вужудга келтиришдан иборатдир. Қўшимча қиймат буржуазия билан пролетариат ўртасидаги муносабатнинг асосини ташкил қилади.

Қўшимча қиймат ҳосил қилиш капитализмнинг асосий иқтисодий қонуни бўлгани ҳолда, унинг қарама-қаршиликларининг ўсишига ва чуқурлашувига сабаб бўлади.

В. И. Ленин қўшимча қиймат ҳақидаги таълимотни Маркс иқтисодий назариясининг пойдевор тоши деб атади. Маркс капиталистик эксплуатациянинг моҳиятини очиб ташлаб, буржуа экономистларининг капитализм даврида синфий манфаатлар уйғун бўлади, деган даъвосига қақшатқич зарба берди ва капитал зулмидан қутулиш учун ишчилар синфи олиб бораётган курашга қудратли ғоявий қурол берди.

К. Маркс меҳнат билан капитал ўртасидаги муносабатни ёритар экан, бу ўринда буржуа иқтисодчиларига хос бўлган яна бир катта чалкашликка барҳам берди. Буржуа иқтисодчилари капитализмдаги муносабатлар заминида товарни товарга айирбошлаш процессини кўрдилар-у, лекин бу муносабатлар асосида кишилар ўртасидаги, яъни синфлар ўртасидаги муносабатлар ётганини кўрмадилар. Иккинчи томондан, буржуа иқтисодчилари капиталистик ишлаб чиқариш қонунларида жамиятнинг абадий сақланиб қоладиган муносабатларини кўришга интилган эдилар. К. Маркс шу нарсани исботладики, капитализмнинг иқтисодий қонунлари кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган объектив муносабатлар ифодасидир. Лекин бу қонунлар кишилик жамияти тараққиётининг маълум бир босқичига хосдир.

Техника ривожланган сари доимий капитал билан ўзгарувчи капитал ўртасидаги нисбат ўзгаради капиталнинг органик тузилиши ўсади. Шунинг асосида К. Маркс капитализмда доимо ишсизлар армияси бўлиши муқаррар эканлигини исботлади. Ҳозирги даврда ҳам капиталистик жамғаришнинг умумий қонуни ўз кучини тўла сақлаб турибди. Демак, саноатда машиналарнинг кенг қўлланилиши бир томондан меҳнат унумдорлигини оширса, иккинчи томондан, кенг меҳнаткашлар оммасининг қашшоқланишига сабаб бўлади. Шунга асосланиб, Маркс капиталистик саноатнинг ривожланиши муқаррар равишда оммаиинг тобора қашшоқланиб боришини тезлаштиради, деган хулоса чиқарди. «Машинанинг ўзи, деб ёзган эди К. Маркс, ишлаб чиқарувчиниинг бойлигини оширади, ундан капиталистик усулда фойдаланиш эса, ишлаб чиқарувчини папуерга айлантириб қўяди». Ҳозирги вақтда ривожланган капиталистик мамлакатларда қўплаб капиталнинг жамғарилиши ва ишлаб чиқариш ўсган бўлишига қарамасдан, миллион-миллион ишсизлар, кўплаб чала ишсизлар мавжуд. Меҳнаткашлар аҳволининг қашшоқланиши эса, меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштиради, капиталистик жамият ҳалокатини яна ҳам тезлаштиради.

К. Маркс капитализмдаги қашшоқланишнинг сабабларини нотўғри тушунтирувчи ғайри илмий назарияларни танқид қилди. Бундай «назариялар» капитализмда оммаиинг қашшоқланиши аҳолининг тез кўпайиши билан боғлиқ деб исботламоқчи бўлади. Худди ана шундай қарашлардан бири Мальтуснинг реакцион назариясидир. К. Маркс оммаиинг қашшоқланиши аҳолининг тез кўпайиши билан эмас, балки капиталистик жамиятнинг, ундаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг оқибати эканлигини илмий равишда исботлаб берди. «Капитал» бошдан охиригача капиталистик ишлаб чиқариш усулининг зиддиятларини очишга ҳамда иқтимоий тараққиётнинг бир босқичи бўлиб, ўткинчи характерга эга эканлигини исботлашга бағишланган-дир. К. Маркс капиталистик жамият амалий жиҳатдан емирилгунча, унинг емирилишини назарий жиҳатдан исботлаб берди.

К. Маркс капитализмнинг юқори босқичи бўлмиш империализм даврида яшамагани учун, империализмни ҳар томонлама ўргана олмади. Лекин империализм тўғрисида айтган фикрлари, жумладан акционер жамиятлар, давлат мулки, мустамлакачилик системаси ва бошқалар тўғрисидаги қимматли фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир.

В. И. Ленин К. Марксниг «Капитал» асаридаги капитализм ривожланиши умумий қонуниятлари ҳамда империализм тўғрисидаги қимматли фикрларига таянниб, капитализмнинг юқори ва сўнгги босқичи бўлмиш империализмни ҳар томонлама ўрганиб, ўзининг «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» номли ва бошқа асарларида империализм назариясини яратди. Агар К. Маркс «Капитал»да капитализмни очган бўлса, В. И. Ленин капитализмнинг юқори босқичи бўлмиш империализмни очди. В. И. Ленин империализм тўғрисидаги назариясида империализм шароитида капитализмнинг ҳамма зиддиятлари ниҳоятда кескинлашиб кетишини, бу эса ўз навбатида революцион процессни кучайтириб, социалистик революцияни кун тартибига қўйишини исботлади.

К. Марксниг коммунистик жамият ҳақидаги фикрлари, жумладан унинг иқтисодий асоси, моддий техника базаси, ишлаб чиқаришнинг мақсади, халқ хўжалигининг плани ва ривожланиши, меҳнатнинг характери ва шу сингари бошқа фикрлари социалистик жамиятни бунёд этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳол «Капитал»нинг ҳозирги давр тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамият кашф этаётганлигидан далолат бериб турибди.

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси, ишчи ва деҳқон ҳукуматининг ўрнатилиши К. Маркс ва Ф. Энгельс ғоялари В. И. Ленин томонидан янги тарихий шароитда янада ривожлантирилганлигининг яққол далилидир. Жаҳонинг сўнгги ярим асрдан кўпроқ давридаги тараққиёти Карл Маркс асосланган ва В. И. Ленин томонидан ривожлантирилган таълимотнинг нақадар чуқур илмий эканлигини кўрсатди.

Яқинда кўп миллатли совет халқи, социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари ва жаҳондаги бутун прогрессив инсоният марксча-ленинча ғояларнинг ғалабаси бўлмиш СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини тантанали нишонладилар. Мамлакат тарихида ярим аср ўнчалик катта давр эмас, лекин шу қисқа тарихий давр ичида Совет Иттифоқи ҳар томонлама ривожланган илғор мамлакатга айланди. 1913 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Россия дунёда бешинчи ўринда ва Европада тўртинчи ўринда турган бўлса, ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи дунёда иккинчи ва Европада биринчи ўринга чиқиб олди. Бизнинг мамлакатимизда К. Маркс орзу қилган социалистик жамият ўзил-кесил ғалаба қилди. Энди лида коммунизмнинг моддий-техника базаси яратидмоқда. КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган иқтисодий ва сиёсий вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда. Совет Иттифоқи халқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш ҳамда ўзининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати билан ер юзидаги бошқа барча мамлакатларга илҳомбахш намуна кўрсатмоқда.

Социалистик системанинг ҳаётбахш таъсирида революцион ва миллий озодлик курашнинг кучайиши империализм мустамлакачилик системасининг емирилишига олиб келди. Осиё, Африка, Латин Америкасида 70 дан кўпроқ мамлакат ўзининг сиёсий мустақиллигига эришиб, ўз миллий экономикасини ҳар томонлама ривожлантириш учун курашмоқда.

К. Маркс ва Ф. Энгельс яшаган даврда коммунизм ғоялари эндигина қанот ёзаётган эди. Эндиликда эса, улар муҳим моддий, маънавий ва ташкилий кучга айланди. Коммунизм ғоялари социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг идеологиясига, 50 миллиондан кўпроқ партия аъзосини ўз сафларида бирлаштирган 90 га яқин мамлакат Коммунистик ва ишчи партияларининг кураш байроғига айланди.

К. Марксниг «Капитал» асари ишчилар синфи, бутун дунё меҳнаткашларининг капитализм зулмидан қутулиш, социал ва иқтисодий озодлик, социализм ва коммунизм қуришнинг назарий қуроли бўлиб келди, қуроли бўлмоқда ва бундан кейин ҳам шундай қурол бўлиб қоладн.

Э. ЮСУПОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
К. ЮСУПОВ,
иқтисод фанлари кандидати, доцент.

ҚАРШИ ЧЎЛИ ИНДУСТРИЯСИ

Давлат комиссияси Қарши биноқорлик материаллари комбинатининг биринчи навбатини фойдаланишга қабул қилиб олди. У йилига 85 минг куб метр темир-бетон буюм ишлаб чиқаради. Ҳозир унинг иккинчи навбатини ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда. Комбинат тўла қувват билан ишга тушгач, унинг йиллик қуввати 240 минг куб метрга етиб, Ўрта Осиёнинг қурилиш индустриясида катта корхоналардан бири бўлиб қолади.

«Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари Г. П. Гайсинский ушбу воқеани бундай деб шарҳлади.

— Биноқорлик материалларн комбинати ишга туширилишининг, партия ва ҳукумат қарорида белгиланганидек, Қарши чўли ерларини суғориш ва ўзлаштириш борасидаги ишларни тезлаштиришда биринчи даражали аҳамияти бор. Шу беш йиллиқнинг ўзидаёқ 85 минг гектар майдондаги ерлар ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаб берилмоғи лозим. Қаршн чеккасида қурилаётган корхоналар комплекси чўлқуварларнинг асосий индустриал базасига айланади.

Комбинат хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаради. У ий-жой ва саноат биноларини қуришда ишлатиладиган темир-бетон конструкциялар, каналларнинг бетига қопланадиган плиталар, сувни бўладиган ғовлар, шунингдек, новлардан иборатдир. Шунинг қилиб, Мирзачўл зонасида жойлашган корхоналардан ташиб келтирадиган нарсаларимизнинг ҳаммаси энди шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади.

Шу йилиёқ янги қувватлар ишга туширишга тайёрланмоқда. Коммуникациялар, қозонхона, компрессорхона бутун корхонага хизмат этадиган қилиб қурилди.

Ҳозир комбинат ёнида йилига 500 минг куб метр дуродгорлик буюмлари ишлаб чиқарувчи завод ҳамда санитария-техника заготовкалар заводи қурилмоқда. Илгари қурилган ремонт механика заводи ҳам шу ерда ишлаб турибди.

Кейинчалик янги ерлар ўзлаштирилиб борилган сари комплекснинг ичигина кенгайтирилиши ҳам кўзда тутилган. (ЎзТАГ).

АХЛОҚ МАВЗУИДА

ФАЗИЛАТ

Халқда «Бошингга қилич келганда ҳам тўғри сўзла» деган гап бор. Буни яхши тушунган ҳар бир ота-она ўз фарзандига: «Рост гапир, тўғри сўзла, бу сенинг чиройинг, сенга нишонч, бахт келтиради. Чин сўз адолат қалити, ҳар бир инсонинг энг яхши ва гўзал фазилатидир», — деб таълим беради.

Аслида ҳам, тўғри сўзлаб, ўрни келганда ҳақиқат йўлида жон фидо қилганлар, қаҳрамонлар сонсаноқсиздир. Улар халқимизнинг қалбида ва дилида абадий яшайди. Уларнинг номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

Ваъдага вафо қила оладиган, лафзи халол кишилардан ҳамма хурсанд бўлади. Ёлғон сўзлаш, айёр, доғули бўлиш эса одамни кишилар эътибордан қолдиради. Ихлосни қайтаради. Чунки, ёлғон гапнинг ҳаммавақт «миси» чиқади.

Ростгўйлик бехавотирлик, ҳижолатсизликдир. Шундай экан, инсоннинг энг нодир фазилатларидан бўлган ростгўйлик турганда, ёлғон сўзга, ёлғон ваъдага ҳаётимизда ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳар бир ишнинг жамиятимизнинг етук кишиси бўлиб камол топишида, ростгўй бўлишида ота-онанинг роли каттадир. Учқўрғон ёғ-экстракт заводи ишчиси Исроилжон Йўлдошев ва унинг умр йўлдоши Гулсуной опани олайлик. Уларнинг фарзандлари Усмон Юсупов номли ўрта мактабда ўқишади. Улар ўз болаларини ростгўй қилиб тарбиялямоқдалар. Уларнинг фарзандлари меҳнатни севишади, мактабда ҳам, уйда ҳам одоб сақлашади. Уй-рўзғор ишларини қилишда ота-оналарига яқиндаг ёрдам беришади. Уй вазифаларини доимо ўз вақтида ва бекамчи-кўст бажаришади. Уларга бу хусусиятни ота-оналари сингдиришган. Чунки бу оилада ҳаммавақт ростгўйлик ҳукмрон. Шунинг учун ҳам оила тўқ, бадавлат ва фаровон. И. Йўлдошевнинг бошқа фарзандлари ҳам республикамизнинг турли олий ўқув юртларида муваффақиятли ўқимоқдалар.

Тикансиз гул, садафсиз дур бўлмаганидек, баъзи ота-оналар орасида ўз фарзандларини ёлғончи, бебурд бўлишига йўл қўяётганлар ҳам топилади. Мана, бир мисол. Тургунпўлат деган ўқувчини бобоси бир ҳафта мактабга юбормади. Синф раҳбари нкки ўқувчи билан Тургунпўлатнинг уйига борди. Унинг бобосини уй эшиги олдида учратишди:

— Нима учун Тургунпўлат мактабга бормаяпти?, — деб синф раҳбари бобога мурожаат қилди. У киши:

— Бу жуда ёмон бола чиқди. Сўзимга кирмайди, ҳар куни ўлиб келдим деб ёлғон гапирарди. Ҳозир ҳам уйда йўқ, — деб жавоб қайтарди. Лекин болалар ҳовлида Тургунпўлатнинг шоли янчаётганини кўриб қолишди. Синф раҳбарини бошлаб унинг олдига боришди. Айбсиз айбдор Тургунпўлат:

— Бобом аввалига шолини ўрдирдилар. Мана кўриб турибсизлар, шоли янчялман. Мактабга юбормаяптилар, — деди.

Ростгўй Тургунпўлатнинг шу бир оғиз жавоби унинг бобосини қандай ноқулай аҳволга солиб қўйганлиги ўз-ўзидан маълум. Лекин бобо нима учун юқоридагича йўл тутганлиги бизни таажжубга солди. Наҳотки, ёши бир ерга бориб қолган одам шундай йўл тутса?

Баъзан уй вазифасини бажармай келган ўқувчилар ўқитувчиларни чалгитиш йўлига ўтадилар, турлитуман баҳоналар кўрсатадилар. Аста-секин бундай ҳол одат тусига кириб боради. Агар ота-она ўз фарзанди қандай ўқиётгани ва уй вазифаларини қандай бажараётганлигини мунтазам назорат қилиб борса, юқоридаги ҳоллар мутлақо содир бўлмайди. Лекин нечаки ота-оналар ўз фарзандларини тирмайдиган ота-оналар ўз фарзандларининг тарбиясига кам эътибор берадилар. Тарбия иши фақат мактабнинг иши деб ўйлайдилар. Бу, албатта, нотўғри.

Ростгўйлик ҳижолатсиз эканлигини ҳар бир ота-она ўз фарзандига фақат эслатибгина қолмасдан, балки уни ана шу юксак инсоний фазилатга оғишмай амал қилиш руҳида тарбиялямоғи лозим. Ростгўйлик ота-онага қувонч келтиради ва аксинча, ёлғон сўзлаш фақат ёлғон гапирадиган одамнинг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасини ҳам ҳижолатга қўяди. Шундай экан, ҳижолатсиз бўлай деган ҳар бир ота-она буни бир зум бўлса ҳам унутиши мумкин эмас.

Иброҳим ОХУНОВ,
кекса пенсионер, Наманган область, Учқўрғон шаҳри.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ФАКТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги Гнизр номли музика мактаб-интернатининг директори М. Алимхўжаеванинг қонунсиз ишлари ҳамда ножўя хатти-ҳаракатлари қаҳида шу мактаб ўқитувчиларидан олинган хат текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига юборилганди.

У ердан олинган жавобда бундай дейилади: илгари ҳам мактаб ишидаги камчиликлар ҳақида министрликка келган маълумот текширилган ва унинг директори М. Алимхўжаева жазоланган эди. Редакция орқали олинган хат асосида Собир Раҳимов район партия комитети текшириш ўтказганида М. Алимхўжаева молия-хўжалик интизомини бузганлиги, мактаб коллективининг аъзоларига қўпол муомала қилганлиги аниқланган. Текшириш натижаси райком бюросида муҳокама этилган. М. Алимхўжаевага ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ выговор эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Масъулиятсизлик оқибати

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети ва Молия министрлиги ўтказган текширишлар натижасида «Узглавлеспром» системасидаги корхоналар фаолияти устидан етарли раҳбарлик ва назорат йўқлиги туфайли давлат ва план интизоми қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлган. Бу эса хўжасизликка, ёғоч материаллари етказиб бериш давлат планининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ошириб кўрсатишга, фонди бўлмаган бошқа ташкилотларга ёғоч материалларини ўзбошимчалик билан бериш ва уларни қўшиб ёзишга сабаб бўлган.

1971 йилда 54 фонд эгасидан 39 таси, 1972 йилда эса 45 фонд эгасидан 19 таси ёғоч етказиб бериш планини бажармади. Кейинги икки йил мобайнида республиканинг пландаги истеъмолчиларига 150 минг куб метр ёғоч, шу жумладан 27 куб метр устун етказиб берилмади.

«Узглавлеспром» раҳбарлари фондга киритилган ёғоч материалларини республикамиздан ташқаридаги фонди бўлмаган ва нарядсиз ташкилотларга ҳамда корхоналарга беришга йўл қўйган. Баъзи корхона ва ташкилотларга эса планда-гидан ортиқча ёғоч материаллари ажратилган. Бу эса фондаги маҳсулотларнинг талон-торож қилинишига шароит яратган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Узглавлеспром» системасидаги Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети ва Молия министрлиги томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган барча камчиликларни зудлик билан йўқотиш юзасидан чора ва тадбирлар белгилади.

Комбинат ишга тушади

Бухородаги ип-газлама комбинатининг 60 минг йигирувчиқ қувватига эга бўлган биринчи навбатини шу йил февраль ойида ишга туширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қабул қилди. Тегишли ташкилотларга барча қурилиш-монтаж ва наладка ишларини февраль ойида графикка мувофиқ тугатиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР «Минмонтажспецстрой» зимасига ишга туширилаётган барча объектларда ишни икки — уч сменада ташкил этиш, зарур механизмлар етказиб бериш, қурувчи ишчилар, монтажчилар билан таъминлаш юкланди.

Режалар лойиҳаси

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Министрлар Советининг 1972 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бўйича Давлат комитети зиммасига Ўзбекистон ССР халқ хўжалик планига киритилган китоб, газета, тасвирий нашрлар ва бошқа босма маҳсулотларнинг йиллик ва перспектив планлари лойиҳасини ишлаб чиқишни топширди.

Йиллик ва перспектив халқ хўжалик планларини тузганда республикамизда нашр этиладиган адабиётлар кўрсаткичини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетига бўйсуниш-бўйсунмаслигидан қатъи назар, Давлат комитети билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бўйича Давлат Комитети Раисига Ўзбекистон ССР Молия министрлиги билан келишиб штатлар жадвалини тасдиқлаш ва комитет марказий аппаратининг маъмурий-бошқарув харажатлари сметасини тузиш топширилди.

Полиграфия корхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш, лойиҳалаш (Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётидан ташқари) Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетига бўйсуниш-бўйсунмаслигидан қатъи назар, Давлат комитети билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бўйича Давлат Комитетига бўйсуниш-бўйсунмаслигидан қатъи назар, Давлат комитети билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети ва Молия министрлиги ўтказган текширишлар натижасида «Узглавлеспром» системасидаги корхоналар фаолияти устидан етарли раҳбарлик ва назорат йўқлиги туфайли давлат ва план интизоми қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлган. Бу эса хўжасизликка, ёғоч материаллари етказиб бериш давлат планининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ошириб кўрсатишга, фонди бўлмаган бошқа ташкилотларга ёғоч материаллари ажратилган. Бу эса фондаги маҳсулотларнинг талон-торож қилинишига шароит яратган.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ИМТИҲОН

Қорақалпоғистон Автоном республикаси хўжаликларида чорвачилик тобора ривожланмоқда. Яйловларни кенгайтириш, сувлантириш, беда ва маккажўхоридан олинадиган ҳосилдорликни ошириш йўли билан ем-хашак базасини мустаҳкамлашда анча ишлар қилинмоқда.

Қишловга яхши тайёрлик кўрган колхоз ва совхозларда, фермаларда, қорамоллар ҳам, қўйлар ҳам чиқимсиз боқилмоқда.

Қўйларни қаҳратон қиш совуқларидан семиз ва соғлом олиб чиқишда чўпонлар айниқса жасорат кўрсатиб ишламоқдалар. Бу соҳада Тахтакўпир районидаги Карл Маркс номли қўйчилик совхозининг бош чўпони Мусабек Жаметовнинг ишлари мақтовга лойиқ. У ўзига бириктирилган 540 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 180 тадан қўзи олиш, шундан 98 та сини боқишга қолдириш, ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун етиштириш учун курашмоқда. Шунингдек, совхознинг Ойсултон Жаметов, Нурсултон Жаметов, Мусабек Жаметовлар ҳам шундай қаттиқ совуқларда ҳар бир бош қўзини нобуд қилмаслик учун уларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

Январь ойида қалин қор ёғди, Қорнинг қалинлиги 23-25 сантиметр, бўрон бўлган жойларда эса 75-90 сантиметрдан ошди. Совуқ 35 даражадан юқори бўлди.

Қўйларнинг катта қисми Қизилқум ва Уст-юрт яйловларида қийин аҳволда боқилаётир.

Қўйларнинг ёйилиб юришига имкон бўлмаётир. Ана шу қийинчиликларни тезда бартараф қилишда Қорақалпоғистон область партия комитети ва Автоном республика Министрлар совети амалий тадбирларни белгиладилар.

Қизилқумдаги массивларда, Тўрткўл, Беруний, Кегейли, Тахтакўпир районлари колхоз ва совхозларининг 150 минг бошдан кўпроқ қўйлари боқилмоқда. Тахтакўпир районидаги М. Телебоев директорлик қилаётган ихтисослаштирилган Карл Маркс номли қўйчилик совхозининг 70 минг бош қўйи Тўрткўл районидаги С. Раҳмонов раислик қилаётган Ленин номли, А. Олимов раислик қилаётган «Қирқизобод» колхозларининг 1600—1700 бош қўйлари парвариш этилаётир. Шу хўжаликларда ориқ қўйларга, қўзиларга етарли миқдорда ем-хашак бериб боқилмоқда. Хўжалик раҳбарлари, зоотехниклар, ветеринария врачлари ҳар бир қўзининг соғлом ўсишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Лекин ҳамма хўжаликларда ҳам қишлов яхши ўтяпти, деб бўлмайди. Айрим хўжалик раҳбарлари қишловни пухта тайёргарлик билан ўтказмаётирлар. Молхоналар ремонт қилинмади. Ем-хашаклар иссиқ кунларда фермаларга келтирилмади. Масалан, Тўрткўл районидаги У. Матнепесов раис бўлган Максим Горький номли колхозда Кегейли районидаги Ўтабоев директорлик қилаётган «Қорақалпоғистон ССР 40 йиллиги», Қўнғирот районидаги С. Мусаев раҳбарлик қилаётган «Уст-Юрт» совхозларида ҳам чорва қишлови ёмон ўтмоқда. «Уст-юрт» совхози раҳбарлари ўтган йил кузида Уст-юрт ясси тоғларида боқиш учун 2 минг бош қўзини қолдирган эдилар. Қолдиришга қолдирилди-ю, лекин қўзиларнинг аҳволи билан ҳеч ким қизиқмади. Қишловга етарли миқдорда ем-хашак тайёрланмади. Текширишда маълум бўлишича, уч кунга етадиган миқдорда ем-хашак борлиги аниқланди. Шундай бўлгач, чорва моллари-нинг аҳволи не кечаркин?

Бундай оғир шароитда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, «Средазирсовхозстрой» бош бошқармаси раҳбарлари чорвадорларга яқиндан ёрдам кўрсатиши, шошилинч равишда қурилиш материаллари, ем-хашак, пул-маблағ билан ёрдам беришлари зарур.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари эса чорвадорларни дарҳол оталикка олдилар. Шу муносабат билан улар 550-600 отарга, қўра, бостирмалар қуриб беришга киришдилар. Олис яйловлардаги қўйларга ем-хашак етказиб бериш учун 150 автомашина, 48 та К-700 тракторлари ва ўнлаб вертолётлар жалб қилинди.

Автоном республика меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида 294 минг бош қўйни қишдан соғлом олиб чиқиш устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА

САЛОМАТЛИКНИ ҚЎЗЛАБ...

Бугунги олимнинг ташвиши ўзгача. Улар билан суҳбатда бўлсангиз ажойиб ҳис-туйғулар билан яшаётганликларини, доимо бирор бир янгилик устида изланиш ишлари олиб бораётганликларининг гувоҳи бўласиз. Уларнинг фикри-зикри ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, коллектив обрў-эътиборини кўтаришга қаратилган.

Биз ана шу ҳислатларни ўзида мужассамлаштирган Тошкент вакцина ва зардоблар институтида бўлдик. Институтнинг ҳар бир лабораторияси замонавий асбоблар билан жиҳозланган. Бу ерда энг катта бойлик инсон саломатлигини сақлашда қўлланиладиган турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Институтга медицина фанлари доктори, профессор Абдураҳим Обидов раҳбарлик қилмоқда.

Биология фанлари кандидати В. П. Федорчук раҳбарлик қилаётган зардоб цехи институтда энг етакчи цехлардан бири. Бу цех 1931 йилда ташкил этилган бўлиб, 1939 йилда илон ва кейинроқ қора қурт заҳарига қарши биринчи зардоб препаратини ишлаб чиқарди. Шундан бери институт эл оғзига тушиб қолди. У заҳарли илонлар ва қора қурт чақканда даволаш учун қўлланиладиган зардобларни ишлаб чиқарувчи Иттифоқда ягона илмий муассаса ҳисобланади.

Цехда қўлвор, қора илон ва Ўрта Осиё кобрасидан олинган зардоблар...

— Институтимиз ходимлари бу зардобларни юқорида номлари зикр этилган илонлар заҳаридан олиб тайёрлаган, — дейди директор ўринбосари, медицина фанлари кандидати Маҳмуд Мирисмоилов. — Одатда ҳар қайси илон зардоби ўзи чаққан шахсни даволаш учун хизмат қилади. Бир кишини Чарх илон чақди, деб фараз қилайлик. Бу ўринда даставвал илон чаққан жойдаги қон қўл билан қисиб чиқарилади ёки сўриб ташланади. Илон заҳари сўлак текканда бирмунча кучсизланади. Кейин илон чаққан ерга шу илон заҳарига қарши зардоб юборилади ва бинт билан боғлаб қўйилади. Бир суткага қолмай киши соғайиб, асл ҳолига қайтади. Илон чаққан кишига сув, сут, кофе ва лимонад ичириш фойдалидир.

Юбилей йилида институт олимларидан В. Федорчук, Ф. Тошмуҳамедов, Н. Синяшин ва Р. Жаваковлар томонидан илон заҳарига қарши ишлатиладиган янги полевалент зардоб синаб кўрилди. (Уч хил заҳарли илон зардобларининг бирикмасидан ҳосил бўлган эмдори полевалентли зардоб препарати деб аталади). Аввал илон чаққан кишини қандай илон чаққанлиги текширилиб, ўша илон зардоби билан даволаниларди. Буни аниқлаш учун жуда кўп вақт сарф қилинарди. Полевалентли зардоб препарати ишлаб чиқилгач бу ишга чек қўйилди. Бу зардоб ҳар қайси илон заҳарига қарши ишлатиладиган биринчи эмдоридир. Институт бу иши учун юбилей йили — Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг кумуш медалини олишга сазовор бўлди. Келаси йилдан бошлаб полевалентли зардоб препарати кўплаб ишлаб чиқарила бошланади.

Шунингдек, институтда гаммаглобулин препарати кўплаб ишлаб чиқилмоқдаки, бу болаларни юқумли касалликдан сақлашда қўл келмоқда.

Институтда кейинги вақтда протеин деб аталувчи препарат ўзлаштирилди. Бу дори шу кунларда кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Унинг асосий мақсади жигар, буйрак ва кам қонли касалликларни даволашда ҳамда хирургияда қон қуйиш лозим бўлганда ишлатилади. Донорлар плазмасини қоплашда ҳам бу эмдори қўл келмоқда.

Институт олимларидан М. Мирисмоилов, В. Нурматов, Х. Хабиев, Ф. Тошмуҳамедов, В. Лисункина ва С. Несмиянованлар АКДС препарати ва чечакка қарши ишлатиладиган вакцина сифатини яхшилаш устида изланиш ишлари олиб бормоқдалар.

Биз олимларнинг баъзи бир ишлари билангина танишдик, холос. Институтда қилинаётган ишлар эса беҳисоб. Шу кунларда кўкйўтал ва бўғма, қорин тифи ва паратиф, қоқшол касалликларининг олдини олиш устида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари институтнинг истиқболи янада порлоқ эканлигидан далолат бериб турибди.

А. ФОЗИЛОВ.

МАРДОНА ҚАДАМ

Олтин юбилей йили Каттақўрғон ёғ-мой комбинати коллективи учун янги ижодий изланишлар йили, резерв ва имкониятларни қидириб топиб, уларни ишлаб чиқаришга дадил татбиқ этиш, маҳсулот тайёрлашни кескин кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йили бўлди.

Йил охирига қадар пландан ташқари 1360 тонна тозаланган ёғ, 1900 тонна хўжалик совуни, 700 тонна тозаланган ёғли кислота ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Планга қўшимча бир миллион 200 минг сўмликдан ортиқроқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Планга қўшимча бир миллион 200 минг сўмликдан ортиқроқ маҳсулот реализация қилинди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1970 йилдагига нисбатан 47 процент, меҳнат унумдорлиги эса 52,8 процент ошди. Бу тўққизинчи беш йиллик учун хали хўжалик планида белгиланган суръатлардан анча ортиқдир. Эришилган ютуқлар ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, янги-янги резервларни қидириб топиш, янги техника ва илғор технологияни кенг қўллаш эвазига қўлга киритилди. Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимларининг ташаббуси, куч-ғайрати билан ёғни экстракция қилиш цехи қайта реконструкция қилинди. Эски экстракторлар ўрнига янгиларигина эмас, балки қувватлироқлари, давр талабига тўла жавоб берадиганлари ўрнатилди. Форпресс цехида ҳам эски механизмлар, ускуналар ўрнига, янги, бақувватлари ишга туширилди.

Пахта тозалаш заводларидан келтирилган чигитни машина ва прицеплардан туширишда ҳам механизациялаштирилди. Бу саккиз кишини оғир қўл меҳнатидан озод қилиб, корхонага бир йилда 10 минг сўмдан зиёдроқ фойда беряпти. Шунингдек, чигитни ҳар хил ифлосликлар, чиқиндилардан тозалаш аппаратлари ҳам янгилари билан алмаштирилди. Мавжуд участкаларда ишлаб чиқариш механизмларини реконструкция ва модернизация қилиш натижасида корхонанинг қуввати илгариги 600 тонна ўрнига, бир суткада 900—950 тонна чигитни қайта ишлаш даражасига етди. Эндиликда комбинат бир йилда қўшимча равишда 70 минг тонна чигитни қайта ишлаб, истеъмолчиларга тонна-тонна қўшимча маҳсулотлар жўнатмоқда.

Совун цехини реконструкция қилиш ишлари ҳам поёнига етказилди. Совун пиширилдиган қозонларнинг қуввати оширилди. Натижада хўжаликлар учун совун тайёрлашни жадаллаштириш имконияти яратилди. Агар корхона илгари ҳар суткада 40-45 тоннадан совун ишлаб чиқарган бўлса, энди 55—60 тоннагача совун тайёрлайдиган бўлди. 1970 йили ўн уч минг тонна, 1972 йилда 20 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилди. 1973 йили 22907 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Корхона ҳаётидаги муҳим ўзгариш ва изланишларни амалга оширишда ишлаб чиқариш новаторлари, ихтирочи ва рационализаторларнинг хизмати каттадир. Улар ўтган йил давомида 40 та рационализаторлик таклифлари киритдилар. Бу таклифларнинг ҳаммаси бугунги кунда ишлаб чиқаришга тўлиқ жорий этилди. Улар заводга бир йилда 200 минг сўмлик иқтисодий фойда беради.

Комбинат Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришган илғор коллективлар қатори Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва касаба союзлари республика Советининг эсдалик дипломи билан мукофотланди.

Тилга олинган муваффақиятларни қўлга киритишда заводнинг коммунистик меҳнат зарбдорлари ғайрақдорлик қилдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, слесарь Юнус Юсупов, Ленин ордени кавалерлари, ёғ оқловчи Зариф Бобомуродов, совунгар Муҳаммади Сатторов, «Октябрь революцияси» ордени кавалери слесарь Николай Верходанов, Меҳнат Қизил Байроқ орденли, ёғни тиништувчи Евгений Банас ва бошқа ўнлаб азаматларнинг матонатли меҳнати ҳар қанча мақтовларга лойиқдир.

Ташаббускор корхона ҳозир хўжалик совуни, тозаланган ёғли кислота ва рафинация қилинмаган ёғ ишлаб чиқариш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллаб турибди. «Резервларнинг ленинча кўриги» деган ажойиб ташаббус ҳам 1968 йили шу корхонада вужудга келиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган, республика корхоналарида кенг қанот ёзган эди. Хўш, бу юксак парвозга сабаб нима? Сабаби, шуки, бу ерда «кўрик» шартларига мувофиқ, ҳар бир касб-ҳунар эгасининг фикр-мулоҳазасига таяниб иш юритилади. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ютуқлар кўпайтирилади.

Кейинги беш йил ичида ўн иккита янги шаҳар пайдо бўлди. Завод, электростанция, сув омбори сингари янги қурилишлар бу шаҳарларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

— Беш йилликнинг учинчи йилида қайси кичик шаҳарлар тез ривожланиб кетади, деб савол бердик.

Янги районларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш проблемаси билан бевосита шуғулланувчи етакчи мутахассис бундай деб жавоб берди.

— Бундай шаҳарлар кўп. Лекин Наманган областининг ғарбий қисмида деярли ёнма-ён турган Поп билан Чуст айниқса, кўпроқ қизиқтириши мумкин. Попда ҳозироқ ўзининг биринчи маҳсулотини ишлаб чиқарилади. Чустда «Ташкенткабель» заводининг филиали қурилади.

Бу шаҳарлар яна шунинг учун, ҳам диққатга сазоворки, уларнинг атроф-теварагида жуда катта сугорилмайдиган ер майдонлари, газ қувури ва юксак вольтли электр линияси бор. Тайёргарлик ишларига озгина маблағ сарфлаб ва қишлоқ хўжалиги учун зарар етказмаган ҳолда катта корхоналар қуриш мумкин. Бу районларда бошланган иш кейинги йилларда шу имкониятлардан кенг фойдаланиш учун пойдевор яратиб беради. Тузилганига энди 6 йилгина бўлган Оҳангарон шаҳри ҳам жуда тез ривожланмоқда. Бу ерда қисқа муддат ичида цемент комбинати, санитария-техника буюмлари заводи, пластик масса комбинати, темир-бетон конструкциялар заводи, уйсозлик комбинати қурилди. Беш йилликнинг учинчи йилида Оҳангаронда омухта ем ишлаб чиқарилади.

Тахнатошда ҳам индустриал корхоналар комплекси барпо этилди. Чоржўй — Қўнғирот темир йўлининг Бейновгача қурилганлиги муносабати билан Тахнатошнинг аҳамияти янада ошади. Бу йил шу шаҳарда бир неча-кундузда уч юз тонна шолини оқлайдиган завод қурилади. Амударё этакларида тузилган шоликорлик совхозлари учун Тахнатошда индустриал база вужудга келади.

Янги саноат корхоналари тўғрисида гапирганда, заводлар ёнида уй-жой бинолари қад кўтаришини, маданий-маиший муассасалар, ўқув юртлари очилишини ҳам айтиб ўтиш керак.

— Янги шаҳарларнинг кенгайишига нималар таъсир қилади?

— Бунинг сабаблари кўп ва улар ҳаммаси бир-бирига боғлиқ сабаблардир. Масалан, Поп ва Чустда қулай территория ёрдам беряпти. Ишчи кучларининг мавжудлиги ҳам анча катта аҳамиятга эга. Масалан, Гулистонда болалар муассасалари кўпайтирилиб, рўзғорда меҳнат шароити енгиллаштирилган сари тобора кўпроқ аёллар саноатга жалб этилмоқда. Шуни назарда тутиб, бу ерда аёллар пардоз буюмлари фабрикаси қурилади. Бу йил фабрика ўзининг дастлабки маҳсулотини беради. Гулистонда пиллакашлик фабрикаси ҳам қад кўтаради. Гулистон тўғрисида гапирганда ҳар йили 56 минг квадрат метр фойдали ҳажми бўлган уй-жой қурувчи уйсозлик комбинати тўғрисида айтмасдан бўлмайди. Ҳозир бу комбинат ишга туширилиш арафасида турибди.

Хом ашё запасларининг мавжудлиги маҳаллий традициялар ҳам кичик шаҳарларни кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Гилам тўқиш санъати авлодлардан-авлодларга ўтган Хивада гилам тўқиш комбинати қурилишига тайёргарлик бошланди. У бир йилда икки миллион квадрат метр гилам тўқиб чиқариши керак. Бу эса, ҳозирги вақтда республикада тўқиб чиқарилаётган ҳамма гилам миқдоридан ўн икки баравар кўп.

Кейинги йилларда бинокорлик материаллари саноатининг маркази бўлиб қолган Қувасойда шиша идишлар заводи фойдаланишга топширилади. Бу ерда ҳар йили 147,5 миллион дона шиша банкалар маҳаллий хом ашё ҳисобидан ишлаб чиқарилади. Шу беш йилликда Қувасойда худди Самарқанддагидек катта чинни заводи қуриш бошланади.

— Янги шаҳарлар қурилиши планида эски ва янги шаҳарлар ўртасида мавжуд алоқалар назарда тутиладими?

— Эски ва янги шаҳарлар ўртасидаги алоқалар муайян даражада назарда тутилади. Биз Чустда «Ташкенткабель» заводи филиали қурилишини айтиб ўтдик. Тошкентнинг, бошқа бир қанча областларнинг корхоналари ҳам ишчи кучлари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда ўз филиалларини қурадилар. Меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш билангина чекланиб қолмай, ишлаб чиқариш бирлашмаси доирасида шаҳарларнинг ҳамкорлик қилиши ёш коллективларга кекса ўртоқларнинг тажрибасини эгаллашга ҳам ёрдам беради. Бундай иноқлик янги индустриал марказлар учун шаҳарсозлик проблемаларини ҳал этишда қўшимча имкониятлар яратади, маданиятни тезроқ ривожлантиришга ёрдам беради.

Бундай филиаллар шаҳар номини олган аҳоли пунктларини иштирокчиларга етказиб берадиган картон-тўл заводи қад кўтармоқда. Бу йил шу ерда 63 миллион квадрат метр юксак сифатли рубероид-тўл ишлаб чиқарилади. Чустда «Ташкенткабель» заводининг филиали қурилади.

Бу шаҳарлар яна шунинг учун, ҳам диққатга сазоворки, уларнинг атроф-теварагида жуда катта сугорилмайдиган ер майдонлари, газ қувури ва юксак вольтли электр линияси бор. Тайёргарлик ишларига озгина маблағ сарфлаб ва қишлоқ хўжалиги учун зарар етказмаган ҳолда катта корхоналар қуриш мумкин. Бу районларда бошланган иш кейинги йилларда шу имкониятлардан кенг фойдаланиш учун пойдевор яратиб беради. Тузилганига энди 6 йилгина бўлган Оҳангарон шаҳри ҳам жуда тез ривожланмоқда. Бу ерда қисқа муддат ичида цемент комбинати, санитария-техника буюмлари заводи, пластик масса комбинати, темир-бетон конструкциялар заводи, уйсозлик комбинати қурилди. Беш йилликнинг учинчи йилида Оҳангаронда омухта ем ишлаб чиқарилади.

Тахнатошда ҳам индустриал корхоналар комплекси барпо этилди. Чоржўй — Қўнғирот темир йўлининг Бейновгача қурилганлиги муносабати билан Тахнатошнинг аҳамияти янада ошади. Бу йил шу шаҳарда бир неча-кундузда уч юз тонна шолини оқлайдиган завод қурилади. Амударё этакларида тузилган шоликорлик совхозлари учун Тахнатошда индустриал база вужудга келади.

Янги саноат корхоналари тўғрисида гапирганда, заводлар ёнида уй-жой бинолари қад кўтаришини, маданий-маиший муассасалар, ўқув юртлари очилишини ҳам айтиб ўтиш керак.

Тўққизинчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи учинчи йилида социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритаётган Тошкент агрегат заводи ишчилари шу кунларда йиллик планнинг иккинчи квартали ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Суратларда: (чапдан) заводнинг илғор токарлари Абдураҳмон Валидов ва Салим Дониёровлар иш устида.

И. Глауберзон фотолари.

КЕНЖА ШАҲАРЛАР

Ўзбекистон ҳаритасида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона сингари катта индустрия марказлари атрофида янги қурилаётган корхоналарни кўрсатувчи белгиларни кўриш мумкин. Яқиндагина қад кўтара бошлаган кичик шаҳарларнинг номлари қаршисида ҳам энди худди шундай белгилар бор.

Ўзбекистон ССР Госплани йиғма планлаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари Генрих Фадеевич Грингоф ўз столи устидаги бир қанча статистик материалларни кўздан кечириб, диққатга сазовор рақамларни тилга олди. Масалан, ҳозир республикада 51 та шаҳар бор, шундан 34 тасида аҳоли сони 50 мингдан кам. Янгийўл, Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Навоий шаҳарлари бундан бир неча йил муқаддам кичик шаҳарлар ҳисобланар эди. Улар урушдан кейинги беш йилликлар даврида тез ривожланиб, қисқа муддат ичида шу қадар кенгайиб кетдики, энди улар катта ва йирик аҳоли пунктлари қаторига кирди.

Кейинги беш йил ичида ўн иккита янги шаҳар пайдо бўлди. Завод, электростанция, сув омбори сингари янги қурилишлар бу шаҳарларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

— Беш йилликнинг учинчи йилида қайси кичик шаҳарлар тез ривожланиб кетади, деб савол бердик.

Янги районларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш проблемаси билан бевосита шуғулланувчи етакчи мутахассис бундай деб жавоб берди.

— Бундай шаҳарлар кўп. Лекин Наманган областининг ғарбий қисмида деярли ёнма-ён турган Поп билан Чуст айниқса, кўпроқ қизиқтириши мумкин. Попда ҳозироқ ўзининг биринчи маҳсулотини ишлаб чиқарилади. Чустда «Ташкенткабель» заводининг филиали қурилади.

Бу шаҳарлар яна шунинг учун, ҳам диққатга сазоворки, уларнинг атроф-теварагида жуда катта сугорилмайдиган ер майдонлари, газ қувури ва юксак вольтли электр линияси бор. Тайёргарлик ишларига озгина маблағ сарфлаб ва қишлоқ хўжалиги учун зарар етказмаган ҳолда катта корхоналар қуриш мумкин. Бу районларда бошланган иш кейинги йилларда шу имкониятлардан кенг фойдаланиш учун пойдевор яратиб беради. Тузилганига энди 6 йилгина бўлган Оҳангарон шаҳри ҳам жуда тез ривожланмоқда. Бу ерда қисқа муддат ичида цемент комбинати, санитария-техника буюмлари заводи, пластик масса комбинати, темир-бетон конструкциялар заводи, уйсозлик комбинати қурилди. Беш йилликнинг учинчи йилида Оҳангаронда омухта ем ишлаб чиқарилади.

Тахнатошда ҳам индустриал корхоналар комплекси барпо этилди. Чоржўй — Қўнғирот темир йўлининг Бейновгача қурилганлиги муносабати билан Тахнатошнинг аҳамияти янада ошади. Бу йил шу шаҳарда бир неча-кундузда уч юз тонна шолини оқлайдиган завод қурилади. Амударё этакларида тузилган шоликорлик совхозлари учун Тахнатошда индустриал база вужудга келади.

Янги саноат корхоналари тўғрисида гапирганда, заводлар ёнида уй-жой бинолари қад кўтаришини, маданий-маиший муассасалар, ўқув юртлари очилишини ҳам айтиб ўтиш керак.

— Янги шаҳарларнинг кенгайишига нималар таъсир қилади?

— Бунинг сабаблари кўп ва улар ҳаммаси бир-бирига боғлиқ сабаблардир. Масалан, Поп ва Чустда қулай территория ёрдам беряпти. Ишчи кучларининг мавжудлиги ҳам анча катта аҳамиятга эга. Масалан, Гулистонда болалар муассасалари кўпайтирилиб, рўзғорда меҳнат шароити енгиллаштирилган сари тобора кўпроқ аёллар саноатга жалб этилмоқда. Шуни назарда тутиб, бу ерда аёллар пардоз буюмлари фабрикаси қурилади. Бу йил фабрика ўзининг дастлабки маҳсулотини беради. Гулистонда пиллакашлик фабрикаси ҳам қад кўтаради. Гулистон тўғрисида гапирганда ҳар йили 56 минг квадрат метр фойдали ҳажми бўлган уй-жой қурувчи уйсозлик комбинати тўғрисида айтмасдан бўлмайди. Ҳозир бу комбинат ишга туширилиш арафасида турибди.

Хом ашё запасларининг мавжудлиги маҳаллий традициялар ҳам кичик шаҳарларни кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Гилам тўқиш санъати авлодлардан-авлодларга ўтган Хивада гилам тўқиш комбинати қурилишига тайёргарлик бошланди. У бир йилда икки миллион квадрат метр гилам тўқиб чиқариши керак. Бу эса, ҳозирги вақтда республикада тўқиб чиқарилаётган ҳамма гилам миқдоридан ўн икки баравар кўп.

Кейинги йилларда бинокорлик материаллари саноатининг маркази бўлиб қолган Қувасойда шиша идишлар заводи фойдаланишга топширилади. Бу ерда ҳар йили 147,5 миллион дона шиша банкалар маҳаллий хом ашё ҳисобидан ишлаб чиқарилади. Шу беш йилликда Қувасойда худди Самарқанддагидек катта чинни заводи қуриш бошланади.

ФЕРМАЛАРГА ТЕХНИКАВИЙ ХИЗМАТ

«Ўзсельхозтехника» Булунғур район бирлашмаси қошида чорвачилик фермаларига техникавий хизмат кўрсатиш пункти очилди. Мутахассислар колхоз ва совхозлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, ишга туширишсозлаш ишларини амалга оширадилар, чорвачилик биноларидаги механизмлар ва аппаратларнинг пухталигини назорат қилиб турадилар, автоматлаштириш воситаларини ремонт қиладилар. Бу ерда агрегатлар, узеллар, деталларни айирбошлаш фонди ҳам ташкил қилинди. Пункт типовой бинода жойлашган, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳозир «Ўзсельхозтехника» район бирлашмалари қошида айирбошлаш фондига эга бўлган фермаларга техникавий хизмат кўрсатадиган дастлабки пунктлар ўз ишини авж олдирмоқда.

(ЎзТАГ).

АЛОҚАЧИЛАР ТОРТИҒИ

ЯККАБОҒ. Бу ерда 500 номерли автомат телефон станцияси ишга туширилди ва абонентларга хизмат қилмоқда. Янги АТСни алоқачиларнинг ўзлари — Қашқадарё область алоқа бошқармаси механизациялашган колоннасининг коллективи қурди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТАРТИБ ЎРНАТИЛДИ

Газетхон М. Назаров редакцияга йўллаган хатида Тошкент аэропортида тартиб ўрнатилмаганлиги ва иш яхши ташкил этилмаганлиги натижасида самолётда келган йўловчилар ўз багажларини олиш учун узоқ вақт кутиб қолаётганликлари, бу ҳол одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётганини кўрсатган эди.

Хат текшириш ва чора кўриш учун юборилган Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасидан маълум қилинишича, унда келтирилган факт тасдиқланган. Йўловчиларнинг багажларини бериш соҳасида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам бериш ва Тошкент аэропортига келган кишиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида махсус ходимлар ажратилган. Улар багажларни самолётлардан ўз вақтида келтириш ва эгаларига беришни енгиллаштирадиган зарур механизмлар билан таъминланган.

УСТА

Сами АБДУҚАҲҲОР.

(ҲАЗИЛ)

Бузилиб қолганди ойнаи-жаҳон,
Шу важдан ҳар куни уйимда жанжал.
Туҳатмасанг тиним бўлмайди бир он,
Давом этаберар бу жангу-жадал.

Мана. Уста келди кутдириб уч кун.
Қадрдон отадай қарши олдик биз.
Чойга таклиф этсак қарамас бутун,
Қизиқ қолди кўриб, ҳижолатдамиз...

Устамиз сервантдан кўз узмас бир дам,
(Ўнда қатор турар эди қадаҳлар...).
Тушиндик, нимани кутар бу одам,
Не чора, Устамиз ,шуни ардоқлар...

Отиб олгач Уста келди ўзига,
Қўли чаққон, гўё туғилди қайта!
Бузуқ даҳмол тушиб қолиб кўзига,
Тузата бошлади «Раҳматлар айта...

Турган гап, Бекамнинг товланди меҳри,
Қадаҳ тутди яна тузалгач даҳмол,
Мафтун этган эди Устанинг сеҳри,
Бека бирам бўлиб кетди сўзамол!..

Сўзида қистирди — ёнмайди чироқ,
Уста ҳам тушинди бунинг маъносин,
Аввал индамади, уриб олгач оқ, —
Туҳатиб ташлади стол лампасин!

Чиқиб кетган экан челакнинг банди,
Туҳатишга ҳожат йўқ эди мутлоқ!

Айяо, Уста дарҳол ишга отланди,
Ҳар ишга «юзта»дан тегади ароқ!

Бека қўймасе ҳам тузалди чалак,
Энди нарбат кутар ойнаи-жаҳон,
Аммо, аввал Уста «отиши» керак,
Бека уни меҳмон қиларди ҳамон!..

Телевизор кўриб Устаси фаранг,
Дейди: — Иккита-ку... ойнаи-жаҳон...
... Қайси биттасини туҳатай... қаранг...
Ўзи мукнасидан йиқилди шу он!..

ДАВР НАФАСИ

Тошкентдаги «Билимлар уйи» кўргазма заллари шу кунларда тасвирий санъат мухлислари билан гавжум бўлиб турибди. Бу ерда Узбекистон Рассомлар союзи ва Узбекистон Кинематографчилар союзи ташаббуси билан республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати кино рассом Э. Калонтаровнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Талантли кино рассомининг мазкур кўргазмасида ижодкорнинг кейинги йилларда яратган асарлари намойиш этилмоқда. Автор ижирма йиллик ижодий фаолияти давомида биринчи марта шундай катта шахсий асарлари кўргазмасини ташкил этди. Юздан ортиқ экспозициядан иборат бу кўргазмада фақат кинофильмларга ишланган декорациялар эскизлари эмас, балки рассомнинг манзара, графика жанрларида ҳам яратган жозибали, ёрқин ва таъсирли асарлари ўрин олган.

Э. Калонтаров асли Самарқанд фарзанди. У Тошкентдаги П. Беньков номли бадиий билим юртида ўқиди. Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Набиев, республика халқ рассомлари Ч. Аҳмаров, А. Абдуллаевлар бўлажак мўйқалам соҳибига мураббийлик қилишди, унга санъатнинг нозик ва мураккаб қирраларини чуқур тушуниб, қалбдан ҳис этиш йўлларини ўргатишди.

Э. Калонтаров 1953—59 йиллари Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтида таҳсил кўрди. Ленин мукофоти лауреати Ю. И. Пименов, академик Ф. С. Богороцкий, СССР халқ рассоми, профессор М. А. Богдановлар унга тасвирий санъатнинг, айниқса, экран санъатининг ўзига хос томонларини, унинг бутун мураккабликларини билиб олишига ёрдам бердилар.

«Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Фарзандлар олга боради» фильми Э. Калонтаровнинг диплом иши бўлди. Умуман, рассом ўзининг бутун ижодий фаолиятини шу студия билан маҳкам боғлади. Шу кунга қадар у «Узбекфильм» студиясида яратилган йигирмага яқин картинада постановкачи рассом бўлиб қатнашган.

Кўргазмада намойиш этилаётган экспозициялар орасида айниқса «Ленфильм» студиясида ишланган «Унинг исми Баҳор», Тошкент студиясининг маҳсулотлари «Фавқулодда комиссар», «Тошкент — нон шаҳри», «Қўрқув билмай», «Муҳаббат можароси» каби фильмларга тайёрланган эскизлар диққатга сазовордир.

Э. Калонтаров СССР ташкил топганининг 50 йиллигига бағишлаб Москвада ташкил этилган «СССР — бизнинг Ватанимиз» номли катта кўргазмага ўзининг «Фавқулодда комиссар» фильмига ишлаган эскизлари билан қатнашди.

Шу кунларда «Билимлар уйи»га келаётган тасвирий санъат мухлислари рассомнинг манзара асарларини ҳам қониқиш билан томоша қилишяпти. Булар орасида «Севимли Самарқанд» тўркумидан қўйилган «Карвонсарой», «Регистон», «Темур мақбараси», «Шоҳи зинда», шунингдек Тошкентдаги «Кўкалдош мадрасаси», сўнгра саёҳат илҳомларидан «Исфара тоғлари», «Булутли кун», «Чорраҳа» каби ёрқин картиналар томошабинларда қизиқиш уйғотяпти.

Истеъдодли рассом Э. Калонтаров машҳур кино рассом, мўйқалам устаси В. Н. Еремян бошлаган йўлни садоқат билан давом эттириб, фильмларимизнинг ҳаётийлигини оширишга, таъсирли, ҳаққоний чиқишини таъминлашга бор имкониятини сафарбар этиб келмоқда.

Бутун фаолиятини кино санъатига бахш этган уста рассомга янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

А. ЮСУПОВ.

Шариф ҚАЮМОВ

Ўзбек совет театр санъати оғир жудоликка учради. Саҳна маданиятининг энг кекса ва кўзга кўринган арбобларидан бири Ҳамза номидаги Ленин орденли Давлат академик театрининг актёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Шариф Қаюмов оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг 68 ёшида вафот этди.

Шариф Қаюмов 1905 йили Бухоро шаҳрида туғилди. У бир группа ўзбек артистлари қаторида Вахтангов номидаги Москва Давлат театри студиясида таҳсил кўрди ва студияни 1927 йили муваффақиятли тугатди. У шундан бошлаб то умрининг охиригача Ҳамза номли театрда ишлади. Бу ерда у йирик, истеъдодли театр арбоби даражасига кўтарилди ҳамда ўзининг бутун меҳнатини, куч-қувватини ва таланти-ни республика театр маданиятининг тараққиётига бахш этди.

Ш. Қаюмов ўзининг узоқ йиллик саҳнавий ҳаётида қатор образлар галереясини яратдики, улар бир-биридан ўз ҳарорати, жозибадорлиги ва чуқур реалистиклиги билан ажралиб туради. Булар орасида М. Горькийнинг «Мешчанлар» пьесасидаги Перчихин образи, Н. Гоголнинг «Ревизор»идаги Хлестаков, В. Шекспирнинг «Отелло»сидаги Кассио, «Гамлет»идаги Горацио, Гольдонининг «Икки бойга бир малай»идаги Труфальдино, А. Островскийнинг «Сепсиз келин»идаги Робинзон образлари айниқса ёрқин яратилгандир. Булар ўзбек совет театри тарихидан ҳақли равишда ўрин олди.

Ш. Қаюмов фақат талантли актёр сифатида танилиб қолмай, у моҳир режиссёр ҳам эди. Н. Гоголнинг «Ўйланиш», Гольдонининг «Икки бойга бир малай», Лопе де Веганинг «Қўзи булоқ», Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» ва бошқа қатор спектакллар Ш. Қаюмов томонидан муваффақиятли саҳналаштирилди. Ш. Қаюмов ўзининг катта саҳнавий тажрибасини ижодкор ёшларга меҳрибонлик билан ўргатиб келди, жамоат ишларида фаол қатнашди.

Партия ва ҳукумат Ш. Қаюмовнинг ижодий хизматларини юқори баҳоладилар. Унга «Узбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилди. Шунингдек у СССР медаллари билан ҳамда Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Театр санъатининг моҳир устаси, ажойиб инсон Шариф Қаюмовнинг ёрқин хотираси уни яқиндан билганларнинг қалбида мангу сақланади.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги
Узбекистон Театр жамияти
Ҳамза номидаги Ленин орденли Давлат академик театри
Маданият ходимлари касаба союзи республика комитети.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ УЛКАН ХИМИЯ САНОАТИ

ПРАГА, 5 февраль. (ТАСС). Чехословакия химиклари ишлаб чиқарган ажойиб нарсаларни ҳар қадамда, ишлаб чиқаришда ҳам, уй-рўзғорда ҳам учратиш мумкин. Чехословакияда халқ ҳокимияти йилларида қудратли химия индустрияси вужудга келтирилди. Мамлакатда 1948 йилдагига нисбатан 4,7 баравар кўп бензин, 5 баравар кўп олтингугурт кислотаси, 18 баравар кўп аммиак ишлаб чиқарилмоқда. Бундан 25 йил муқаддам Чехословакияда пластмасса деярли ишлаб чиқарилмас эди. Эндиликда ҳар йили 200 минг тоннага яқин пластмасса тайёрланмоқда.

Чехословакияда химия маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган 20 йил мобайнидагина 13 баравар кўпайди. Совет — Чехословакия ҳамкорлигининг самарали ривожланиши бунинг учун жуда муҳим роль ўйнади.

ЧКП XIV съездида қабул қилинган ҳозирги бешинчи беш йиллик директивалари Совет Иттифоқидан олинадиган нефть ва табиий газ негизида ЧССРда улкан химия саноатини янада жадал ривожлантиришни назарда тутади. «Дўстлик» нефть қувури орқали республикага келтирилаётган нефтдан фойдаланиб, Чехословакияда қудратли нефть-химия саноати барпо этилди. Бу нефтни Братиславадаги «Словнефт» комбинати ва Залужадаги Чехословакия — Совет дўстлиги номли комбинатлар қайта ишламоқда. Бу энг йирик корхоналар мойлаш материалларидан бошлаб синтетик толагача юздан ортиқ ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

ЧССРга нефть ва газ етказиб бериш Совет Иттифоқи учун ҳам қулайдир. Бизнинг мамлакатимиз бунинг эвазига қардош Чехословакиядан электровозлар ва автомобиллар, станоклар ва ҳар хил асбоб-ускуналар, Чехословакиянинг машҳур шиша идишлари ва пойафзалларини олиб туради.

Монреалнинг режалари маъқулланди

ЖЕНЕВА. 5 февраль. (ТАСС). Халқаро олимпиада комитетининг ижроия комитети Лоззаннадаги штаб-қароргоҳида мажлис қилиб, ўтказилган ишларни ҳамда ташкилотчиларнинг 1976 йилги ёзги олимпиадани Монреалда ўтказиш режаларини маъқуллади. Халқаро олимпиада комитетининг президенти Килланин матбуот конференциясида сўзга чиқиб, ташкилот комитети вакилларининг докладидан «Тамомила қониқ-қанлигини» айтди.

Халқаро олимпиада комитети ижроия комитети 1976 йилги қишки олимпиада ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини бирмунча илгари Австриянинг Инсбрук шаҳрига берди. Американинг Денвер шаҳри шу ишни бажаришни рад қилган эди.

Бундан олдин барча қишки олимпиада спорт турлари халқаро федерациялари Тироль пойтахти Инсбрук номзодини ёқлаб чиққанлари ҳам комитетнинг шундай қарорга келишига сабаб бўлди.

РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Ровинари кўмир ҳавзасида энг яхши такомиллашган техника кенг қўлланилмоқда. Яқинда бу ерда улкан экскаватор тайёрланди. Суратда: 3 минг кишининг ишини бажара оладиган янги экскаватор.

Ажерпресс—ТАСС фотоси.

Пенсия таъминоти Япониянинг энг кескин проблемаларидан биридир. Давлат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари 70 ёшга чиққанларидан кейингина 5 минг иен миқдорида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу эса уларнинг овқатига ҳам етмайди. Яқинда «Энди жим туролмаймиз!» жамиятининг аъзоси Сейфу Хаяси Япония молия министрлиги биноси олдида ўтирган ҳолда намойиш ўтказди. У 5 минг иенлик озиқ-овқат сотиб олиб ўз олдига қўйиб қўйди. Энг оддий ҳисоб-китобларга қараганда, бу озиқ-овқат унга ўн кунга ҳам етмайди. Сейфу Хаясининг ўзи эндигина 67 ёшга кирганлиги учун қарилик пенсиясигача яна уч йил кутиши керак. Суратда: Сейфу Хаяси Япония молия министрлиги биноси олдида.

Н. Тебин фотоси. (ТАСС).

АНГЛИЯНИНГ «ОҚ МУСТАМЛАКАСИ»

Мана беш йилдирки, Шимолий Ирландия шаҳарлари кўчаларида ўқлар отилмоқда, бомбалар портлаб, қон тўкилмоқда. Бу ерда инглиз босқинчиларининг бебошлиги туфайли қон тўкилмаган бирор кун йўқ. Лондон пропагандаси қатоликлар ва протестантларнинг диний низолари туфайли қон тўкилмоқда деб, жар солмоқда. Ҳақиқатан шундайми?

Буржуа шарҳловчилари тарихни титкилашни ҳуш кўришмайди. Ҳолбуки, Ольстерда юз бераётган фожианинг сабабларини тарих саҳифаларидан қидириш керак. Ирландия инглиз мустамлакачиларининг дастлабки ўлжаларидан эди. У кўп йиллар давомида бу мамлакатдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи база сифатида фойдаланиб келди. Кейинчалик эса арзон ишчи кучини ҳам шу ердан ола бошлади. Ирланд халқининг бир неча асрлар давомида Англиянинг мустамлака зулмидан қутилиш учун олиб борган миллий-озодлик кураши Британия мустамлакачиларини Ирландиянинг бутун территориясида ўз ҳукмронлигини саклаб қолишга урониш бехуда эканини тушуниб етишга мажбур этди. Шундан кейин улар «ажратиб қўй ва ҳукмронлик қил» қабилида иш тутишга ўтдилар. 1921 йилда Ирландия мажбуран икки қисмга бўлиб ташланди. Бунинг натижасида Ирландиянинг жанубий қисми «мустақил Ирландия давлати» статусини олди. Шимолий қисми — Ольстер бўлса буюк Британиянинг мулки бўлиб қолаверди.

Аслида англиялик бўлиб, бир вақтлар Ирландияни босиб олган ва кўпчилиги протестантлардан ташкил топган кишилар Ольстернинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиб қолдилар. Бу ердаги протестантлар юнионлар партиясининг ўзагини ташкил этиб, Британия консерваторлари билан қўшилиб кетдилар.

Шимолий Ирландиянинг экономикаси инглиз монополияларининг қўлида бўлиб, Ольстердаги барча йирик корхоналар Англия капиталига бўйсунади. Англия матбуотининг хабарига кўра, инглиз монополиялари Ольстердаги корхоналардан йилига 500 миллион фунт стерлинг фойда олмоқдалар. «Айриш Таймс» газетасининг ёзишича, Англия олаётган даромадлар учун Ольстер энг йирик манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Лондон Ольстердаги экспорт учун маҳсулот чиқарадиган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, айни пайтда шу вилоятдаги айрим тармоқ саноатининг тараққий этишига тўсқинлик қилмоқда. Ана шундай бир шароитда Шимолий Ирландиянинг молиявий доиралари маҳаллий саноатга ўз ресурсларининг атиги 20 процентини сарфламоқдалар. Натижада маҳаллий экономиканинг кемасозлик ва газлама ишлаб чиқариш саноати анъанавий соҳалари инқирозга юз тутмоқда. Бу ердаги ишсизлар сони Англиянинг ўзидагидан деярли уч баробар зиёддир. Ольстернинг католик маҳаллаларидаги аҳолиси орасида ишсизлар айниқса кўп. Бунинг устига сиёсий камситишлар авж олмоқда. Парламентда католикларнинг вакиллари йўқ. Протестантларнинг эса «ошиғи олчи». Сайловларда улар кўпинча икки ва ҳатто ундан ошиқ овозга эга бўладилар.

Бу фактларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда Ольстерда «католик» ва «протестант» деган тушунчалар фақат диний, тушунчаларгина эмас, балки социал тушунчалар эканини, католиклар билан протестантлар ўртасидаги низо эса камбағаллар ва бойлар, эзилувчилар ва эксплуататорлар ўртасидаги синфий қарама-қаршилик эканини кўрсатиб турибди. Шундай бир аҳволда Англиянинг ҳукмрон доиралари бу низода ўзларини «тинчлик ўрнатувчи» қилиб кўрсатишлари билан бировни ишонтира оладиларми?

Албатта, йўқ! «Тинчлик ўрнатувчи», ниқоби остида империалистик мустамлакачилар ҳаддидан ошмоқдалар. Шимолий Ирландияни тарк этмагандек, улар буни ўз қурбонининг фойдаси учун қилиняпти, деб кўрсатишга урунмоқдалар. Британия империализми ва протестант реакцияси Ольстерда ҳамма нарсанинг аввалгидай бўлишини хоҳлаяпти. Лекин Шимолий Ирландиянинг аҳолиси уларга қарши дадил кураш бошлаб ҳуқуксизлик ва мустамлакачилик зулми билан ҳеч қачон келишга олмасликларини намойиш этдилар.

Г. АРИЕВИЧ,
(АПН).

ЗИМБАБВЕ АФРИКАЛИКЛАР ХАЛҚИ ИТТИФОҚИНИНГ БАЁНОТИ

ЛУСАКА, (ТАСС). Зимбабве африкаликлар халқи иттифоқининг бу ерда эълон қилинган баёнотида айтилдики, Родезия ирқчиларининг ўз позицияларини мустаҳкамлаб олишларига фурсат бермоқ учун Англия ишни пайсалга солиш тактикасини ҳар доим ишлатиб келмоқда. Консерваторлар ҳукумати жаҳон жамоатчилигини лақиллатишга интилиб, дейилади баёнотда, ғайри қонуний Смит режимига нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўриш тўғрисида кўп гапирмоқда. Аммо Англия фирмалари Родезия билан савдо қилишни давом эттирмоқда. Англиянинг савдо-саноат арбоблари, сиёсий арбоблар, турли ҳукумат ташкилотларининг вакиллари Родезияга жуда кўп келмоқдалар, улар оқ озчилик режимига моддий ва маънавий мадад бермоқдалар.

Англия ҳукумати, дейилади баёнотда, Зимбабве халқининг миллий озодлик ҳаракатига путур етказишга интилмоқда. У айрим қишиларни сотиб олиб улардан фойдаланмоқда, туҳмат кампаниясини ўтказиш йўли билан эркинлик учун курашувчилар бирлигини бузишга ҳаракат қилмоқда. Англия қитъадаги мустақил мамлакатларни Зимбабве халқининг ҳаққоний ишини қувватлашдан воз кечишга мажбур этмоқ учун шу мамлакатларга ҳам таҳдиқ ўтказмоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ҚОҲИРА.** Сурия президенти Ҳафиз Асад Араб Республикалари Федерацияси президент кенгашининг навбатдаги сессиясида қатнашиш учун Қоҳирага келди. Бу ерга шунингдек Араб Республикалари Федерацияси министрлар кенгашининг раиси Аҳмад Хатиб, Сурия Араб Республикасининг бош министри Маҳмуд ал Айюбий ҳам келишди.

Ҳафиз Асад Миср президенти А. Садат билан учрашди.

● **ХЕЛЬСИНКИ.** Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг тузилганига яқинда 25 йил тўлишига бағишлаб энг яхши адабий асар учун конкурс эълон қилинди. Конкурсдан мақсад гражданларнинг Финляндия ташқи сиёсати соҳасидаги билимларини ошириш ва Совет — Финляндия муносабатларини янада ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир.

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон пўлат ва шахталар министри Моҳан Кумрамангалам Калькуттада Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессида сўзга чиқиб, давлат секторига Ҳиндистоннинг миллий экономикасини реконструкция қилиш воситаси деб қараш керак, деди. Давлат секторида, деб таъкидлади у касаба союзлари муҳим роль ўйнаши лозим.

М. Кумрамангалам 1951 йилда мамлакатда давлатга қарашли бор йўғи бешта завод бор эди, эндиликда давлат секторида юздан ортиқ корхона бор, деб уқтириб ўтди.

● **ЛОНДОН.** Шимолий Ирландия пойтахти Белфастда кейинги бир кун ичида бўлиб ўтган қонли тўқнашувларда 9 киши ўлди ва 22 киши ярадор бўлди. Шаҳардаги ишчилар яшайдиган квартталларга шанба оқшомидан бошлаб ўнг экстремистларнинг қуроллланган шайкалари ва Британия армиясининг бўлинмалари бир неча марта ҳужум қилдилар.

● **НЬЮ-ЙОРК.** АҚШнинг Гонолулу (Гавайи)даги Тинч океан ҳарбий қўмондонлиги Америка авиацияси Лаосни шиддатли бомбардимон қилишни давом эттираётганлигини хабар қилди.

● **ПАРИЖ.** Ноорганик химия ва химик технология соҳасидаги ишлари учун совет олими, СССР Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик химия институти директори академик Н. М. Жаворонковга Франциядаги Бордо шаҳри университетининг фахрий докторлик даражаси берилди.

● **ВЕНА.** Австрияда тоғларда ҳар қадамда хатар солувчи қор кўчкиларини «оқ ажал» деб аташади. Ўтган ҳафта охири бўш вақтларини Герлос, Китцбюгель ва Санкт-Антон аҳоли пунктларининг чеккаларида ўтказган спортчилар ва сайёҳлар учун айниқса фожиали бўлди. Тироль областининг шу курорт жойлари тоғларида шанба ва якшанба кунлари 12 киши қор кўчкиси тагида ҳалок бўлди.

● **ДОРУССАЛОМ.** Танзаниянинг шимолидаги Аруша шаҳрида Африкадаги уч давлат бошлиғи — Танзания президенти Жулиус Ньерере, Замбия президенти Мобуту Сесе Секо ҳамда Замбия президенти Кеннет Каунда учрашдилар, бу ерда уч мамлакат раҳбарлари Родезия ва Жанубий Африка ирқчиларининг Замбияга қарши ағвогарлик ҳаракатлари натижасида вужудга келган вазиятни ҳамда қитъанинг шу районида вазиятнинг умумий кескинлашганлигини кўриб чиқадилар.

● **ГААГА.** СССР давлат цирки артистларининг Роттердамда кўрсатган томошаларида голландияликларнинг 40 мингдан ошиқ киши бўлди. Шу шаҳарда 14 марта томоша кўрсатган совет цирк санъати усталарини томошабинлар қизғин кутиб олдилар.

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон бош министри Индира Ганди мамлакат министрлар кабинети составида баъзи ўзгартишлар қилганлиги бу ерда расмий эълон қилинди. Жумладан, ижтимоий ишлар ва уй-жой қурилиши собиқ министри Ума Шанкар Дикшит ички ишлар министри лавозимини эгаллайди. Ҳукумат составида бир қанча бошқа ўзгартишлар ҳам қилинди. Янги министрлар Ҳиндистон президенти В. В. Гирига қасамёд қиладилар.

● **НЬЮ-ЙОРК.** Огайо штатининг Кливленд шаҳридаги давлат мактаблари техника ходимларидан 2.000 кишининг беш кунлик забастовкаси ғалаба билан тугади, Шаҳар маъмурлари иш ташловчиларнинг иш ҳақини кўпайтириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларини қондиришга розй бўлдилар. (ТАСС).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12. 30— МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.15 — Ҳужжатли фильмлар. 14.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 16.50 — Фан оламида. 17.20 — Концерт. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — «Моҳир қўллар». 18.35 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Фильм-концерт. 19.25 — Ёш ижрочилар концерти. 19.55 — Аҳборот. 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — Миллионлар ленинча университети (МОСКВА). 20.45 — Аҳборот. 21.05 — **«Оламга саёҳат».** 22.00 — «Вақт». 22.30— «Коммунист» программаси. 23.00 Музиқа жавони. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.00—Мультфильм. 18.30 — МОСКВА. **Хоккей:** Швеция — ЧССР. 19.30 — Музиканди суҳбат. 20.15 — Шу кунинг созандалари. **Г. Мақсудова** 20.45 — **Испаниянинг мусаффо осмони** (бадиий фильмнинг 2- серияси). 22.00 Телефильм. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.10 — Телефильм. 19.20 — Ўқув программаси. 20.30 — **Портдаги ҳодиса** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/II да **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/II да **Парвоз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/II да **Хотинимнинг эри.**

КИНО

Кромвель (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да, кундуз 1.30 минутда ва 4 да, кеч соат 6.30, 8.45 минутда).

Оцеола — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда) «СПУТНИК», «МОСКВА», «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Джейн Эйр — «СПУТНИК» (жуфт соатларда). «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Олтин шох — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Еввойи қалб — «КОМСОМОЛ-30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Якшанбалик ота — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, 11.30 минутда, кундуз соат 1, 2.30 минут. да ва 4 да) «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ. ЛИГИ (тоқ соатларда).

Самовий саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 5.30 минутда ва кеч соат 8 да).

Ўраки жосус — «КУЧА» (эрталаб соат 11 да, кундуз соат 2, 5 да ва кеч соат 8 да).

Эрамиздан миллион йил аввал НАВОИЙ номли (кундуз соат 12.30 минутда, 2, 3.40 минутда. 5.20 минутда, кеч соат 7 ва 8.30 минутда).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ НАШРИЁТЛАР, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
Давлат ГипроНИИ полиграф лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтининг
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҚУРИЛИШ СЕКТОРИНИНГ МУДИРИ ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 24 февралгача.
Мурожаат учун адрес: Тошкент-47, Киров кўчаси, 21-уй, телефон 32-27-47.

Урта Осиё ўрмончилик илмий-тадқиқот институти 1973 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда
дарахт касали, ёғоч тайёрлаш, ўрмон хўжалиги ва ёғоч ишлаш машина ва механизмлари.
Ишдан ажралмаган ҳолда
радиобиология, ўрмон ўсимликлари, уругчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш, агролесомелиорация, ўрмон хўжалигини бошқаришни ташкил қилиш ва планировкаси, экономикаси.
Ҳужжатлар 1973 йил 1 мартгача қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Калинин район, Дархон почта бўлими.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси аппарати ходимлари коллективи бўлим мудири С. Маҳкамовга онаси
Назира МАҲКАМОВАнинг
вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги, Маданият ходимлари касаба союзининг республика комитети ва Узбекистон театр жамияти Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг артисти, Узбекистон ССР халқ артисти
Шариф ҚАЮМОВнинг
вафот этганлигини маълум қилиб, унинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б. — 32. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 02187.